Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 4 (4559) // 2020-yil 24-yanvar

ХАЛҚ ДАРДИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИ

Пойтахтимиз марказида "Матбуотчилар уйи" деб номланган бино бор. Юртимиз аҳлига маънавий зиё таратадиган кўплаб газеталар таҳририятлари шу манзилда жойлашган. Бу табаррук бинода атоқли журналистлар, эл севган шоир ва ёзувчилар фаолият юритганлар. Бир неча кундан бери ушбу бино аҳлининг юриш-туришида шижоат, шаҳдамлик, юз-кўзларида ўзгача нур акс этаётгандек.

Бунинг боиси бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловдан кейинги биринчи мажлисида сўзга чиққан Президент Шавкат Мирзиёев журналистларга алоҳида миннатдорлик билдириб: "Ўзимизнинг ОАВга ҳам, хорижий ОАВга ҳам раҳмат. Қандай саволлар берилганини дебатлар вақтида кўрдингиз. ОАВ ҳам ўз устида ишлаяпти. Мен барча журналистларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Кўпларга журналистлар ёқмайди, лекин улар менга ёқади...", дея эътироф этди.

Халқимизда "Яхши сўз — жон озиғи" деган нақл бор. Ўрни келганда биргина самимий эътироф минглаб инсонларга куч-ғайрат ва умид бахш этиши, уларни янги марралар сари бошлаши мумкин. Бугун журналистлар, умуман, ижод аҳлининг ўзаро мулоқотларида ана шундай фикрлар қайта-қайта айтилмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг эътирофи – сўз эркинлиги таъминланадиган, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган ва адолатли жамият сари бораётганимизга далил бўлувчи аломатдир. Албатта, бу муждани кундалик ҳақиқат ва ҳаёт тарзимизга айлантириш кўпроқ ўзимизга боғлиқ.

Президентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси ҳамда янги таркибдаги Сенатнинг биринчи ялпи йиғилишидаги маърузалари нафақат ижод аҳлининг, балки жамиятнинг турли қатламларидаги энг долзарб мавзуларни кенг қамраб олгани билан улкан аҳамият касб этди.

Булар айни пайтда одамлар орасида муҳокамаларга сабаб бўлаётган: мамлакатнинг бугуни ва эртаси, дунё аҳли билан тенг ҳуқуқли мулоқот, ҳамкорлик, кадрлар масаласи, ижтимоий адолат, турмуш фаровонлиги, инсон қадри, айрим амалдорларнинг ахлоқсизлиги, иктисодиёт, қурилиш, газ ва электр соҳасидаги муаммолар, Якин Шарқдаги таҳликалар, қарсақбозлик, мажлисбозлик, "узр" сўраш амалиётига бундан кейин барҳам берилиши, ЕОИИга қўшилиш-қўшилмаслик каби масалалар кўтарилгани билан боғлиқ.

Президент янги сайланган депутатлар ва улар зиммасидаги катта масъулият ҳақида гапириб: "Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Депутатнинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, вазирлар ҳам, ҳукумат ҳам, парламент ҳам уйғоқ бўлади", деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қуйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис бахс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам демократия мактабига айланиши зарурлигини, депутатлар асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик акс эттиришига қаратиши лозимлигини таъкидлади: "Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт. Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак. Бир нарсани тўғри тушунайлик — биз бирга ишлашни ўрганишимиз шарт. Бизга Парламент назорати керак".

"Муаммоли вазиятларда депутатларнинг бир чеккада, томошабин бўлиб туришини бундан кейин халқимиз асло қабул қила олмайди. Ахир, фуқаролар ўз вакилларини халқ фикрини ифода этиш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш учун сайлайди. Эл-юртимиз депутат тимсолида қонун ва ахлоқ-одоб мезонларини бузган мансабдорларга қарши тура оладиган талабчан, курашчи, халқ дардини қўрқмасдан кўтариб чиқадиган ўз ҳимоячиси, ўз вакилини кўришни истайди. Бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Расул Кушербаев, Шуҳрат Полвонов, Алишер Ҳамроев каби ёш ва жонкуяр депутатлар фаолияти сайловчиларга жуда маъқул бўлмоқда".

МУНОСАБАТ

Юртбошимиз депутат Расул Кушербаевнинг фаолиятини алоҳида эътироф этди: "Орангизда жонкуяр депутатлар бор. Амалдорларнинг тартиб бузиши, ахлоқ-одоб қоидаларига бўйсунмаслигига депутатлар бир четда жим қараб турмаслиги керак", деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

— Юртбошимизнинг депутат Расул Кушербаев номига айтган эътирофи бизга ҳам бирдек тааллуқли, — дея қувонишади "Матбуот уйи"даги ҳамкасблар. — Ахир, бизнинг мақсад-муддаомиз, фаолиятимиз шунга монанд, уйқаш. Президентимиз юртимиздаги ҳар бир жабҳадан чуқур хабардор экани, жонкуярликлари бизга катта куч ва далда беради.

Президентимизнинг Парламент минбаридан туриб айтган гапларида эл-юрт дарди ва изтироблари, ҳамюртларимизнинг орзу-умидлари мужассамки, улардан барча соҳалар учун йўл-йўриқ, дастур олиш мумкин:

"Халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт".

"Мустақилликни ҳеч кимга бериб қўймаймиз. У халқнинг ва Президентнинг қўлида".

"Нима учун вазирликларга, кўп-кўп жойларга ёшларни қўйяпман. Кўп одамларга ёқмайди, менга ёқади. Бизнинг замонимиз бошқа. Ҳозир ёш вазирларни қаранглар, тўртта тилни билади, рақобатбардош, гаплашиши ҳам дадил".

"Фидойи одам бўлса, қанча бўлса шунча ойлик беришга тайёрман. Миллатпарвар, халқпарвар бўлса, ҳамма нарсага тайёрман".

"Одамлар тиббий хизматлардан норози, дорилар нархидан норози. Албатта, тиббиёт ходимлари обрўсини ҳам ошириш лозим".

"Қотган нон есак ҳам, ўзимиз ўрнак бўлиб, коррупцияга қарши курашиш керак".

2

Саъдулла ҲАКИМ

ДЕМОКРАТИЯДАН ОЧИҚ ДАРС

Ажнабий бу сўзлар эмас нотаниш,
Ҳеч ўйлаб кўрдингми, хўш, шоир, сен айт,
Сенатор бу ўзи нима дегани,
Нима деганидир аслида сенат?

Миллатнинг баайни икки қаноти,
Ҳаёт йўлларида ҳамроҳ ва мадор.
Юқори ва қуйи палата оти,
Олий Мажлис деган мақомоти бор.

Депутат қонунга жон этса ато,
Сенатор руҳ бериб, амалга йўллар.
Талқин ё табдилда учраса хато,
Қайтадан яна баҳс – "камал"га йўллар.

Бугун йиғилишда бўлса саройда,
Эртага қишлоқда энг муҳим иши –
Сенатор гўёки сел келган жойда,
Кўкси билан тўса олгувчи киши.

Ҳар талаб ва меъёр донишларга хос,
Ҳар сўзи миллатнинг шаънидан бунёд.
Қонунлар яралсин эл ўйига мос,
Токи ўзгармасин тургунча дунё.

Чиройга ярашиқ кўз ила қошдай,
Матнда ўзбегим имлоси зийнат.
Осмон дафтарининг муҳри қуёшдай,
Юрт муҳри, Президент имзоси зийнат.

Улуғнинг қиёсда билинар бўйи,
Магар нисбат бериб айтсак, сенат – ор,
Ҳамият маскани, адолат уйи,
Халқ виждони бўлмоқ керак сенатор!

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоқ адабиёти кенгашининг 2019 йил якунлари бўйича ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълум қилинганидек, Қозоқ адабиёти кенгаши ўтган йилда 50 га яқин маданий-маърифий тадбир, ижодий учрашувлар ўтказган. Таниқли шоир, таржимон ва оқин Маҳкамбой Умаров таваллудининг 70 йиллиги, шоир Шарифбой Медетов ва шоир, бастакор Собит Налибоев таваллудларининг 80 йиллигига бағишланган ижодий кечалар шулар жумласидан.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 март куни қабул қилинган "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда Абай ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда Носир Фозилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган бир қатор тадбирлар ташкил этилди.

Кенгаш йиғилишида олим Абдулла Рустамовнинг "Абай абадияти" монографияси, Маҳкамбой Умаровнинг "Юксакдаги юлдузим" номли тўплами, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Раҳмат шеърларининг қозоқ тилига қилинган таржималари муҳокама қилинди.

2019 йилда Олмаота шаҳрида ёш ўзбек ижодкорларининг "Жуз ўлен" ("Юз шеър") номли китоби тақдимот маросимлари бўлиб ўтган эди. Ҳисобот йиғилишида, унда ўзбекистонлик бир гуруҳ ёш ижодкорлар иштирок этгани алоҳида мамнуният билан таъкидланди. Айни пайтда қозоқ ёш шоирларининг худди шу номдаги ўзбек тилидаги тўплами нашрга тайёрланмоқда.

О.БЕКМУРОДОВА,
ЎзА мухбири

БИЛДИРИШ

2020 йил 31 январь куни соат 14:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида болалар адабиёти кенгашининг 2019 йил фаолияти якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади. Ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

МУЙНОҚ МУЪЖИЗАСИ:

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНАЛАР

Бир вақтлар донги дунёга таралган Мўйноқ денгиз сувлари тортилгандан кейин қарийб ярим аср мобайнида умуман эътибордан четда қолиб кетган ўлкага айланиб қолган эди. "Мўйноқ" деса одамлар тасаввурида гўё дунёнинг нариги чеккаси тушунилар эди. Тан олиш керак, ҳаттоки кўп раҳбарлар Мўйноққа 2017 йилдан эътибор қаратила бошлангандан кейин илк қадамларини ташлади.

Шахсан ўзим Қорақалпоғистонда 20 йилдан ортиқ вақтдан буён яшаб келсам ҳам ушбу туманга илк бор 2015 йилда боришга муваффақ бўлган эдим. Шахсий ҳиссиётларим билан ўртоклашадиган бўлсам, бундан 5 йил аввалги Мўйноқ билан ҳозиргиси ўртасида осмон билан ердек фарқ бор.

Ҳамон ёдимда. 2015 йил журналистлар билан туман марказидан репортаж тайёрлаш учун борганимизда, Қўнғиротдан Мўйноққача йўлда биронта автомашина учратмадик. Боргандан кейин қўшимча транспорт керак бўлиб қолди. Шунда ҳатто ҳокимликдан ҳам автомашина топа олмаганмиз. Туманда метан у ёқда турсин, ҳаттоки пропан ёқилғи қуйиш шохобчаси ҳам йўқ экан. Тушлик пайтида овқатланадиган жой кидирдик, шаҳар марказида фақат битта кафе бўлиб, у ерда ҳам шу куни ўқувчилар тадбир ўтказаётган экан.

Бугун-чи? Бугун Нукусдан Мўйноққача йўлда транспорт. Нукусда кўрмаган транспортларни Оролнинг қуриган тубида кўриб, ҳайратдан лол қолаётганлар канча. 2015 йилда туман маркази кўчаларида фақат конденсат газ билан юрадиган мотоцикл ва "Москвич"ларни кўриш мумкин эди. Ҳозирда замонавий йўлтанламас автомашиналарни бошқа туманларда кўра олмассиз, лекин Мўйноқда бисёр.

2015 йили борганимда одамларнинг кўзларида умидсизликни кўриб, ҳақиқий фожеани ҳис қилган эдим. Ишсизлик, ҳар хил касалликлар, атмосферанинг ифлосланиши одамлар тинкасини обдан қуритган эди. Лекин шундай шароитда ҳам улар она юртини ташлаб кетмай, келажакка умид боғлаб яшади. Ва бу кунлар, ниҳоят, етиб келди.

Ҳозир ҳамма Мўйноққа бориб кўришни орзу қила бошлади. Шахсан ўзим хизмат юзасидан деярли ҳар ойда бораётган бўлсам ҳам, ҳар боришимдан олдин худди биринчи бор ташрифим каби юрагим отлиқиб туради.

"НИМА УЧУН МЎЙНОҚҚА БОРИШ КЕРАК?"

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва @newmuynakcity телеграмм каналлари маҳаллий туризмга ҳисса қўшиш мақсадида айнан шу номда мега-танлов ташкил қилди.

Танлов шарти Мўйноққа бориш ёки саёҳат қилиш учун 3 та энг муҳим сабабни айтиб, хоҳлаган тилда видеога тушиб юбориш керак.

Ҳа, бугун Мўйноққа боришга сабаб кўп. Ўзига оҳанрабодек ром қилаётган ўлканинг мехри бошқача. Кенг саҳролик инсонга қандайдир тушунтира олмайдиган куч бағишлайди. Қўнғиротдан ўтгандан кейин ана шу ҳис-туйғу вужудингизни эгаллаб олади. Бир вақтлар денгиз бўлган жойларга келганингизда хаёлингиздан кўп нарсалар кечиши аниқ.

Ниҳоят, Мўйноққа етиб келсангиз ўзгача ёқимли атмосферани сезасиз. Янгидан қурилган ва қурилаётган бинолар, ижтимоий объектлар янги ҳаёт бошланганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида атиги 32 минг аҳолиси бор битта туман учун 1 триллион 485 миллиард 176 миллион сўм маблағ ажратилди (бунақаси ҳали Ўзбекистоннинг бошқа ҳеч бир ҳудудида бўлмаган) ва ўтган йилнинг ўзида қатор объектлар қурилди, реконструкция қилинди, капитал таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.

2

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг мумтоз ва замонавий намуналари хорижий тилларга ўгирилиб, чет элларда тарғиб этилмоқда. Ўз навбатида, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари аслиятдан бевосита она тилимизга таржима қилинаётгани халқимизнинг маънавий хазинасини бойитмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" шиори остида халқаро анжуманлар, адабий тадбирлар ўтказилмоқда, китоблар нашр этилмоқда.

ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ АРАБ ТИЛИДА

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети шарқ тиллари кафедраси доценти Муртазо Саидумаров Қатар пойтахти Доха шаҳрида Шайх Ҳамад номидаги Таржима ва ўзаро бир-бирини тушуниш ташкилоти томонидан ўтказилган халқаро танловнинг бош мукофоти билан тақдирланди. Бадиий таржима бўйича Шарқ дунёсида эътирофга сазовор бўлган ушбу халқаро танловда 2019 йил биринчи марта араб тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан араб тилига амалга оширилган бадиий таржималар номинацияси эълон қилинган эди. Қувайтнинг Маданият, адабиёт ва санъат миллий кенгаши томонидан Муртазо Саидумаров таржимасида араб тилида нашр этилган "Танланган ҳикоялар" тўплами ушбу мукофотга лойиқ топилди. Ушбу тўплам мундарижаси Абдулла Қодирийнинг "Жинлар базми", Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам", Абдулла Қаҳҳорнинг "Адабиёт муаллими", Ўлмас Умарбековнинг "Қиёмат қарз", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Саф", Фарҳод Мусажоновнинг "Нозик масала", Тоғай Муродниг "Бобоси ва набираси", Ўткир Ҳошимовнинг "Зиёфат", Хайриддин Султоновнинг "Нуқта", "Бунча ширинсан, эй аччиқ ҳаёт", Носир Фозиловнинг "Кўкёл", Омон Мухторнинг "Оппоқ қор" номли ҳикояларидан таркиб топган.

Моҳир таржимон М.Саидумаровни ушбу халқаро мукофот билан қутлаб, ўзбек-араб адабий алоқалари ривожи йўлидаги келгуси ишларида муваффақият тилаймиз.

Рустам МУСУРМОН

БЕТАКРОР ИЖОД МАКТАБИ

Бугунги кунда ёш истеъдодларни юзага чиқариш, уларни баркамол инсон бўлишларида нурли маёқ бўла оладиган, замонавий, инновацион технологиялар асосида фаолият юритувчи ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мактаблар буюк ёзувчи ва шоирлар номида бўлиб, адабиётимизнинг бўлажак давомчилари учун пойдевор вазифасини бажаради.

Бугунгача жонажон ватанимизнинг тўққизта ҳудудида ташкил этилган бу мактаблар она тили ва адабиёти ҳамда хорижий тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган. Дастлаб 2017 йилда Ибройим Юсупов (Нукус шаҳри), Исоқхон Ибрат (Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани), Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним (Жиззах шаҳри), Абдулла Орипов (Қарши шаҳри), Муҳаммад Юсуф (Андижон шаҳри)да ташкил этилган бўлса, Эркин Воҳидов (Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри)да 2018 йилда, Муҳаммадризо Огаҳий (Хоразм вилояти, Хива шаҳри), Ҳалима Худойбердиева (Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри) ва 2019 йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу мактабларда саралаш жараёнидан муваффақиятли ўтган жами 1620 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Мактаб фаолиятини бошлаганига унча кўп бўлмаса-да, бир қатор самарали ишлар ташкил этилди. Ўқувчилар ўтган тўрт ойдан кўпроқ вақт давомида Олмазор тумани, Нодира кўчасида жойлашган 119-мактаб биносида таълим-тарбия олдилар. Мактабда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Ўзбекистон Миллий университети профессор ва олимлари билан ҳамкорликда маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Мактаб биноси шарқона услубда бўлиб, беихтиёр "Ўткан кунлар"даги манзараларни эсга солади. Киришданоқ ўзбек миллий нақшлари ҳар ерда кўзга ташланади. Синф хоналарида ўша даврни эслатувчи токчалар ишланган, ўймакор нақшли ўриндиқлар ва китоб жавонлари билан жиҳозланган. 216 ўринга мўлжалланган ушбу мактабда ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Дарс жараёнларида ҳам шарқона, миллий руҳ уфуриб туради. Ижод мактаблари яқин келажакда катта маърифат ўчоқларига айланиши керак. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, Абдулла Қодирий ижод мактабида таълим олаётган ёшлар – мамлакатимиз келажаги. Бу мактабда ўз ватанини чин юракдан севувчи истеъдод эгалари, ватанпарвар ёшлар тарбияланадилар.

Ушбу мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мадина Мирқобилова завқу шавқ билан шундай дейди: "Мактабимиз учун чиройли бино қуриб, қулай шароитлар яратиб берганликлари учун муҳтарам Президентимизга миннатдорлик билдирамиз. Ўз иқтидорини намоён қилишга интилган биз каби ўқувчилар учун бу мактаб муқаддас даргоҳ бўлади".

Бой тарихимизни чуқур ўрганиш мақсадида юртимиздаги муқаддас қадамжолар ва тарихий шаҳарларга ижодий сафарлар уюштириш, Ёзувчилар уюшмаси ва олий ўқув юртлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби қизиқарли машғулотлар ҳам мактаб ўқув дастуридан ўрин олган.

Гулнора ШЕРМАТОВА

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

Ойбек миллий адабиётимизнинг катта ижодий довонларни забт этишига беқиёс ҳисса қўшган, XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири. У устозлари Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг адабий анъаналарини давом эттириб ўзининг насрий ва шеърий асарлари, илмий ва адабий-танқидий мақолалари билан адабиётимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 115 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий тадбирда ёзувчи ижодининг ана шу жиҳатларига эътибор қаратилди. Тадбирда ижодкорлар, санъатшунослар, адабиётшунослар ва ёш қаламкашлар иштирок этди.

Сўзга чиққан ёзувчи ва адабиётшунослар Ойбек шеърияти, "Навоий", "Қутлуғ қон", "Улуғ йўл", "Болалик" ҳамда бошқа кўплаб асарлари ҳақида гапиришди. Адибнинг ҳаёт ва ижод йўлларига батафсил тўхталишди. Адибнинг ҳам инсон сифатида, ҳам ёзувчи сифатида замондошлари меҳрини қозонгани, ўзининг юксак инсоний фазилатлари асарларида акс этганини таъкидлашди.

— Ойбекнинг роман ва қиссалари қайси давр ҳаётидан олиб ёзилган бўлмасин, адиб шу давр ҳаётини мукаммал ўрганиб чиқа олган, — деди адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев. — Айниқса, "Навоий" романида тарихий давр ва тарихий шахслар ҳаётини бирламчи манбалар асосида ўрганган. Адибнинг насрий асарларига хос муҳим хусусиятлардан яна бири шундаки, у асар қаҳрамонларини ёки тарихий шахсни Ватан ва халқ манфаатлари йўлида курашувчи, меҳнаткаш халқ орзу-армонларининг рўёбга чиқиши йўлида заҳмат чекаётган сиймо сифатида тасвирлайди.

Тадбирда адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг илк маротаба рус тилида нашр этилган "Ойбегим менинг" номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Ойбекнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид фото ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир якунида ёш ижодкорлар томонидан Ойбек шеъриятидан намуналар ўқилди.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан

ТИРИК САТРЛАР

ОЙБЕК

МАНГУ ЗАФАР БИЗНИКИ!

* * *

Ёр кетди, кўзим булоғи қолди,
Сийнамда тирик фироғи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда кўпайган оқи қолди...

Ҳар лаҳза дилу хаёл паришон,
Бир хўрсинишимда дардлар уммон,
Юлдуз каби тунда ярқирар жон,
Тундек сочи иштиёқи қолди...

1942

* * *

Олмалар тарам-тарам,
Боғларнинг ҳусни тўлган,
Чаман рангга бой, кўркам:
Кўнгилларга не бўлган?

Кўзлар жилваси ўзга,
Қўшиқларнинг шўхи оз.
Бир «уҳ» кирар ҳар сўзга,
Ҳорғин, ғалати бу ёз.

Уфқларнинг бети қон...
Ҳар юракда бир ҳижрон...

1942

* * *

Ҳаёт қаъри ларзада...
Асабий, тунд шамоллар.
Бетоқатдир хаёллар,
Тонгги сўз — кеч сафсата...

Булутларнинг алвони —
Бўронларга байроқдир.
Кураш — қурашмоқ ҳақдир!
Жўшар ҳаёт гирдоби...

Кураш, ҳақлик бизники,
Мангу зафар бизники!

1942

* * *

Йиғи келмайди сира...
Ғазабдан қақраган кўз.
Бу йўлларнинг яхидек
Лабимда қотипти сўз.

Қошлар, киприклар қиров —
Юраман ҳушсиз, ҳайрон.
Қорним оч, эсга келмас
Халтамдаги ғиштдек нон...

Куйган уйларда увлар
Қиш қуюни бетиним.
Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним.

1944

Бошланиши 1-саҳифада

ХАЛҚ ДАРДИ, ОРЗУ-УМИДЛАРИ

"Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Депутатнинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, вазирлар ҳам, ҳукумат ҳам, парламент ҳам уйғоқ бўлади".

"Шунча бойлигимиз бўлиб, электр ўчишлари, газ етишмовчиликлари оддий ҳолатга айланиб бўлган. Бу мени жуда катта ташвишга соляпти. Агар шу масалаларни жой-жойига қўймас эканмиз, эртага иқтисодий барқарорликка эришиш жуда қийин бўлади".

"Узоқ вақт давомида халқ билан мулоқот қилинмагани, унинг дарди, ташвишларини атрофлича ўрганиб, ҳал қилиш чоралари кўрилмагани оқибатида мана шундай ижтимоий муаммолар тўпланиб қолгани кеч кимга сир эмас".

"Марказда ўтираверган вазирлар халққа нима кераклигини қаердан билади? Тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари иш услубини ўзгартириб, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўрганиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак".

"Ҳукумат қонун ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, уларнинг қишлоқ ва туманларга етиб боришини таъминлаши керак. Вазирлар ва идора раҳбарлари ишини оқилона ташкил этиши керак. Ижро энди қоғозга қараб эмас, эришилган натижага қараб баҳоланади".

"Пахта бажарамиз, ғалла бажарамиз, деб юрадиган замон ўтиб бўлди энди. Замонавий иш услубларига ўтишимиз керак".

"Фақат ўзаро якдиллик, халқ вакилларининг замон талаби даражасида фидойилик билан иш олиб бориши олға интилишимизга йўл очади".

"Сенаторлар ҳам ҳудуди манфаатидан келиб чиқиб, ҳудудида яшаётган одамлар дарду ташвишларини билиб фаолият олиб бориши даркор. Бунинг учун уларнинг олдига бориш, улар билан оддий тилда сўзлашиш, одамлар дардига қулоқ тутиш керак".

"Ҳар ой битта муаммони ҳал қилинг, ўз-ўзидан сизнинг тарихингиз пайдо бўлади".

"Тарихда шахснинг роли катта. Агар ҳар бир корхонага, компанияга, вазирликка, Бош вазир ўринбосарлигига муносиб номзодни тўғри топсак жуда катта муваффақият шунда".

"Қарорлар лойиҳасини электрон порталга жойлаштириш, халқ муносабатини ўрганиш ижобий натижа бермоқда. Менга ҳужжат олиб келса, қайси порталга муҳокама учун қўйдинг, деб сўрайман. Эринмай одамлар билдирган таклифларни ўрганиб чиқаман. Халқнинг фикрини инобатга олинглар, қарорлар қабул қилганда бу ҳақда айтинг".

"Коррупцияни йўқ қилиш керак. Энг катта иллат – ҳали оркамизда коррупция юрибди. Коррупция бўлмаса, ўзимиз ўғирликка бош бўлмасак, Ўзбекистон ўзгаради. Мен бунга ишонаман!".

Бу даъватларда, чиндан ҳам, халқ дарди, орзу-умидлари мужассамдир.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

МЎЙНОҚ МЎЪЖИЗАСИ:

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНАЛАР

Бошланиши 1-саҳифада

Мўйноқда деярли ҳар куни янгиликлар юз бермоқда. Бир йилнинг ичида Мўйноқнинг қоқ марказида қад ростлаган 18х36 ўлчамдаги спорт зали, ёпиқ сузиш сув ҳавзаси, футбол ўйингоҳи, маданият маркази, 2000 киши сиғадиган амфитеатр, ёдгорлик монументи, Давлат хизматлари агентлиги, Туман электр таъминоти корхонаси биноси, Ҳунармандлар аллеяси, замонавий "Ёшлар маркази", Қурант минора соати, "Сурхон қуёши" мактабгача таълим муассасаси ва бошқа объектлар бутунлай янги шаҳарни пайдо этди.

3 йил ичида янгидан қурилиши белгиланган 42 та кўп квартирали уйларнинг 20 тасида қурилиш ишлари якунига етмоқда ва дастлабки уйларга эгалари жойлашмоқда.

Эски кемалар йиғилган жойда янгидан қурилган "Орол денгизи тарихи" музейида Орол денгизининг ўтмиши, турфа хил қушлар, балиқлар ҳақида маълумотлар, кемаларнинг турли ускуналари, тарихий фотосуратлар ва рассомларнинг ижод намуналари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан янгидан қурилган "Future Muynak" ахборот технологиялари маркази ва "Book cafe"нинг фойдаланишга топширилиши мўйноқлик ёшларнинг орзулари рўёбга чиқишида катта қадам бўлди. Чунки бу муассасаларда ёшларнинг компьютер технологияларини ўрганиши ва замонавий адабиётларни ўқиши учун барча қулайлик яратилган.

Энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан таъминланган "Future Muynak" ахборот технологиялари марказида ёшлар бугунги кун талабига жавоб берадиган 2D-графика, 3D-моделлаштириш, веб-дизайнерлик, дастурлаш каби мутахассисликлар бўйича билимларни эгаллаш имкониятига эга бўлса, "Book cafe" кутубхонасида бадиий ва бошқа китобларни ўқиб, билимини ошириши, маънан ҳордиқ чиқариши мумкин.

Туман марказида барпо қилинган "Мўйноқ порлоқ текстил" тикувчилик мажмуасида 350 нафар хотин-қизнинг иш билан таъминланиши жуда муҳим воқеалардан бири бўлди. Шунингдек, Мўйноқда афсонавий консерва заводининг фойдаланишга топширилиши ҳам бутун халқни қувонтирди.

Давлат бюджети ҳисобидан 25 миллиард сўм эвазига қурилган балиқни қайта ишлаш ва консервалаш заводида балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш линиясини ташкил қилиш учун Россия Федерацияси Калининград шаҳрининг "Рыбтехцентр" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар олиб келиниб, монтаж қилиш ишлари амалга оширилди.

Мазкур лойиҳа ишга туширилиши билан корхонада йилига 3650 тонна балиқ қайта ишланади. 9 миллион дона балиқ консерваси, 780 тонна балиқ фарши, 400 тонна балиқ фелеси ва 200 тонна дудланган балиқ тайёрланади. Заводда 1000 тонна балиқ маҳсулотларини сақлаш учун музлатгичли омборхона мавжуд. Шунингдек, бу ерда 60 киши ишли бўлади. Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун "Мойнақ Аква саноат" давлат унитар корхонасига тумандаги умумий майдони 60 минг гектардан ортиқ бўлган 9 та сув ҳавзаси бириктирилган. Мана шундай янгиликлар юз бераётган бир пайтда Мўйноқни бир кўрмаслик учун қандай баҳона топиш мумкин?!

МЎЙНОҚ БИЛАН ОРОЛ – ДОНОЛИК ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ

Қорақалпоғистондаги кўплаб таниқли давлат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олимлар, шоир-ёзувчилар, маданият соҳаси вакиллари Мўйноқда, Орол денгизига яқин жойда туғилиб ўсган.

Масалан, Бердақ ва Ажиниёз шоирлар асли мўйноқчилар. Халқ шоири Тилеуберген Жумамуратов ижодининг асосий маҳсули туғилиб ўсган жойи – Орол денгизи соҳиллари тўғрисида бўлди. Қорақалпоғистон Республикасини бошқарган Қаллибек Камалов, марҳум Сағиндик Нийетуллаев, Уббинияз Аширбеков ва марҳум Тимур Камаловлар ҳам Оролга яқин жойда туғилиб ўсган. Академик Жуманазар Базарбаев туғилиб ўсган Мўйноқ туманига тез-тез ташриф буюриб, улкан ўзгаришлардан баҳраманд бўлиб туради. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яқинда Мўйноқ кўчаларидан ўтаётганимда ёғочдан қурилган битта эски уй эътиборимни тортди. Ёнига бориб қизиқиб қараб турсам, мўйноқчи Пўлат оға "бу уйда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Фёдорович Махорин яшаган" деди. Шу уйнинг қошидаги яна бир уйни кўрсатиб, "бу уйда Москва шаҳрининг мэри (аслида КПСС Москва шаҳрининг биринчи котиби) Юрий Анатольевич Прокофьев яшаган" деб қўшиб қўйди.

Мўйноқ кўплаб мард ва доно кишиларни дунёга келтирган ва тарбиялаб берган. Орол мавж уриб турган пайтларда мўйноқлик йигитлар ҳарбий хизматда денгиз флотига жалб қилинган. Денгиз флотига эса энг кучлилар танлаб олинган.

Яқинда Мўйноқдан қайтиб келаётиб, машинага бирга минган ҳамроҳим билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг тумандаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлдим.

– Кейинги йилларда жуда катта ўзгаришлар бўлди, – деди у. – Бу йил сув ҳам яхши. Халқнинг кайфияти янада аъло бўлди. Ўтган ҳафта сигирим яйловга кетиб келмай қолди. Яйлов деяётганим қуриб қолган қўлда ўсиб турган қамишлар. Кеча шу сигиримни излаб чиқдим. Қўлга сув кўп келиб, жонивор сувдан чиқа олмай қолган экан. Сув этик кийиб қўлнинг ичига кириб, олиб чиқдим. Лекин сув белимгача келди. Совуқ қотиб қолдим. Уйга бориб укол олдим.

Шу гапни у оддий қилиб, кундалик иш фаолияти каби айтаётган эди, мен эса "шу совуқда сувга тушдингизми?" деб ҳайратдан лол қолдим. Ноябрь ойида Мўйноқда анча совуқ бўлишини ҳисобга олсак, ҳамроҳимнинг бу ишини ҳақиқий мардлик, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳа, мўйноқчилар – мард халқ. Бунга яна бир мисол келтираман.

Бугунги кунда Орол денгизининг қуриган ҳудудида 5 миллион гектардан зиёд майдонда заҳарли пестицидлар билан тўйинган қумли-тузли чексиз саҳро пайдо бўлди. Ҳар йили шу саҳролардан 100 миллион тонна заҳарли чанг кўтарилади.

Экологик фожиа оқибатида Оролбўйи ҳудудида нафас йўллари касалликлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг одамга 50 тадан ортиққа тўғри келса, бу эпидемия ҳисобланади. Қорақалпоғистонда эса бу кўрсаткич 78 тани ташкил этади. Орол денгизига яқин ҳудудларда бундан ҳам юқори.

Ҳудудда камқонлик, онкологик ва бошқа касалликлар кўпаймоқда, гўдаклар ўлими ўртача кўрсаткичдан икки марта юқори.

Экологик фожиа туфайли ҳар 4-5 йилда ҳудудда сувсизлик юзага келиб, у 2-3 йиллаб давом этмоқда. Бу бутун агросаноат комплексига, жумладан, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноатда қайта ишлаш ва бошқа соҳаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана шундай қийинчиликларни матонат билан енгиб, фожиани омадга, туманни «Саҳро марвариди»га айлантириш учун фидокорона меҳнат қилаётган мўйноқчиларни мард халқ деб айтмаслик мумкинми?! Шунча қийинчиликларни бошидан кечирган халқни, албатта, бахтли кунлар кутиб тургани аниқ. Бахтли кунлар пойдеворини яратиш борасида ҳозир Оролнинг қуриган майдонида ўрмонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

ЧЎЛ ЎСИМЛИКЛАРИ – ФОЖИА ХАЛОСКОРИ

Жорий мавсумда Орол денгизининг қуриган тубидаги 700 минг гектар майдонга саксовул, юлғун, қандим, қорабарақ ва бошқа яйлов-чўл ўсимликларини экиш белгиланган бўлса, бугунги кунга қадар режанинг қарийб 50 фоизи бажарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси маълумотига кўра, жорий мавсумда экиш учун 2400 тонна чўл ўсимликлари уруғи йиғилиши белгиланган ва ҳозирги кунда деярли 2000 тоннаси тайёрланган. Уруғ тайёрлаш ишларига ишчилар билан бирга Мўйноқ тумани аҳолиси ҳам кенг жалб қилинган. Уруғнинг ҳар килограммига 10 минг сўмдан берилмоқда. Битта киши бир кунда ўртача 15-20 кило йиғиши мумкин.

Уруғдан ўрмон экиш тадбирлари асосан тракторлар ва АН-2 самолётлари орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, дельтапланда уруғ сепиш ҳам йўлга қўйилди.

Ҳозирда Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш тадбирларига 850 та техника (жумладан, 4 та самолёт) ва 2500 дан ортиқ ишчилар жалб қилинган. Мазкур тадбир 2018 йил декабрь ойида бошланган бўлиб, ўтган мавсумда 460 минг гектардан ортиқ майдонда чўл ўсимликлари экилган эди.

Умуман, ўрмонлаштириш тадбирлари денгиз чекингандан кейин, яъни ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган бўлиб, қарийб 40 йил давомида атиги 400 минг гектар майдон ўрмонлаштирилган эди. 2018 йилгача, яъни янги ўрмонлаштириш даври бошлангунга қадар, Мўйноқда ўрмонлаштириш тадбирларига атиги иккита трактор (Т28 маркали) ва 10-15 ишчи жалб қилинган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич бир неча юз баробар ошган.

ОРОЛГА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

Бундан 20 йиллар аввал Орол денгизининг қуриган тубида 28 минг гектар майдонда экилган саксовулзорлар орасида хозирда ҳайвонот ва қушларнинг кўплаб турлари пайдо бўлган. Жумладан, ғозлар, ўрдаклар, йиртқич қушлар, қирғовул, қашқалдоқ, ондатра, бўрсиқ, чиябўри, тулки, бўри, қамиш мушуги, жайрон, ёввойи чўчқа ва бошқаларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан Қорақалпоғистон ҳудудида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича қушларнинг 137 янги тури аниқланган. Жумладан, минтақа орнитофаунаси учун янги 10 та тур фанда расман қайд этилган.

Биология фанлари доктори Света Мамбетуллаеванинг таъкидлашича, Оролбўйи минтақасида аввал учрамаган бегунок, шарқ клушаси (восточная клуша), узун думли читтак (длиннахвостая синица), кичик балиқчи қуш (малая чайка), катта читтак (большая синица), кичик чипор қизилиштон (малый пёстрый дятель), кул ранг каклик (серая куропатка), снегирь каби янги қуш турлари пайдо бўлган. Қуйи Амударёда экологик вазият пасайишига қарамасдан, ҳудудда табиий муҳитда баъзи ўтроқ ва кўчманчи қушлар учун қулай шароитлар ҳам юзага келди.

Кейинги пайтларда Қорақалпоғистон ҳудудидаги кўлларга фламинго қушлари кўпайиш учун ҳам кела бошлади. Жумладан, Мўйноқ қўлтиғидаги кўллар тизими бўлган Судочье, Сарикамиш, Жалтирбас, Шегекўл каби кўллар фламинголарнинг кўпайиши учун ниҳоятда қулай ҳисобланади.

Яқин вақтларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 885 минг гектар майдонга эга бўлган янги 4 та – «Судочье кўли тизими» (84,7 минг га), «Акпеткей» (58,8 минг га) «Белтау» (188,3 минг га), «Междуречье Акдарё – Қазақдарё» (22,2 минг га) буюртмахоналари ташкил қилиниши бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу буюртмахоналар биохилмахиллигининг янада ривожланишига кенг имкон яратади.

МЎЙНОҚДА ЭНДИ САЙЁҲЛАР САМОЛЁТЛАРДА САЙР ҚИЛИШИ МУМКИН

Мўйноқ туманининг туристик салоҳиятини кўтариш мақсадида сайёҳларни самолётларда сайр килдириш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорида Нукус-Мўйноқ-Оролбўйи денгизи йўналишида (ва ортга) вертолёт ва самолётда йўловчи ташиш хизматларини ташкил этиш, 3 та АН-2 русумдаги самолётни таъмирлаш ва 2 та вертолёт сотиб олиш белгиланган. Нукус-Мўйноқ-Оролбўйи денгизи йўналишида (ва ортга) самолётда йўловчи ташиш хизматларини ташкил этиш бўйича Канада тажрибаси ўрганилмоқда.

Тумандаги аэропортни реконструкция қилиш учун эса бугунги кунда 35,6 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 35,7 миллиард сўм молиялаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғибот қилиш мақсадида http://karakalpakstan.travel/ сайти ишга туширилган бўлиб, ҳозирда туманнинг сайёҳлик салоҳиятини намоён қилувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Ҳозирда newmuynakcity.uz веб-сайтига Мўйноқ туманининг сайёҳлик салоҳиятини намоён қилувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар тақдим этиб борилмоқда. Туманнинг турли ҳудудларида "селфи объект"лари ташкил этилган. "Ҳунармандлар аллеяси" ташкил этилди. Ҳунармандлар аллеясида 3 та ўтов ва 6 та дўкон жойлашган бўлиб, ўтовларда ёғоч ўймакорлиги, қуроқ буюмлари ва қўлда гилам тўқийдиган моҳир уста-ҳунармандлар жойлаштирилди. Дўконларда эса эсдалик буюмлари, миллий пойабзал маҳсулотлари, қўлда тўқилган гиламлар, миллий мусиқа асбоблари, совға буюмлари ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар фаолият олиб боради.

Туристлар учун "Балиқчилик қишлоғи"-ни кўриш ҳам қизиқ. Шу мақсадда "Балиқчилик қишлоғи"ни ташкил этиш учун "Тик-Ўзек"овул фукаролар йиғини ҳудудида 2 гектар ер майдони ажратилди.

"Балиқчилар қишлоғи"да туристлар балиқчилар уйларини, балиқчилик уй-музейини томоша қилиши, қайиқда сайр этиши, балиқ овлаши, овқатланиши, автотранспортларда диққатга сазовор бошқа жойларга ташриф буюриши мумкин.

Дарҳақиқат, афсоналар бугун Мўйноқда ҳақиқатга айланмоқда. Бутун халқ бир мақсад йўлида жипслашган Оролбўйида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирилади. Ва бу буюк ишлар, албатта, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев номи билан боғланади.

Есимхан ҚАНОАТОВ,
ЎзА мухбири

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА

ОППОҚ ОРЗУЛАРНИ ЮРАККА ЧИЗИБ

Отам ва онам

Отам Тўра Хўжаниёз ўғли ҳамда онам Фариза Йўлдош қизи хотираларига

Дунё, келишмайман, сен-ла терсман, бас,
Куз, аччиқ айтарим, гинам бор, илло...
Вақт, шунчалар шошдинг,
кутмай бир нафас,
Ҳукминг борлиғимни этди зим-зиё.

Йўлимга мўлтираб боққани — у кун,
Билмадим онамнинг йўқлигин тоби.
Армон-ла бағримга босаман беун,
Отам ёзиб тугатмаган китобни.

Кўксим чокларини минг карра сўкдим.
Борим, сўнгакларим истиҳфор айтар.
Юзимнинг сувини юз бора тўкдим...
Кузак, онамни бер, отамни қайтар...

Отасизнинг билсанг оти оқсаркан,
Онасизнинг кўнгли яримта, хаста.
Ҳувиллаган бағрим мавҳ этади ғам,
Мени ташлаб дилгир, беруҳ, шикаста...

Дўнғқишлоққа шошиб кетди-я онам...
Дўнғқишлоққа шошиб кетганим отам...

Нимага арзийди... асли бу дунё!
Маржон донасидай ситилар сабр.
Отамга қанчалар суянганимни,
Сен қайдан биласан, ҳиссиз ноябрь...

Отам осмон эди, ой эди онам,
Самонинг кафтида Зуҳро эдим мен.
Ногоҳ зулмат ичра эврилди олам,
Ғам ўйган чап кўкси яро бўлдим мен.

Елкамга ботади тириклик юки,
Тангрим, ҳақни англай тийрак кўз бергил.
Руҳимга бир қувват, таскин бер, токи,
Қалбни поклагувчи тоза Сўз бергил.

Дардимга кўз ёшим бўлмади малҳам,
Дийдор илинжида умидим толди.
Ҳорғин вужудимни суяган маҳкам,
Қўлимда ўғлимнинг қўллари қолди.

Дўнғқишлоққа шошиб кетди-я онам...
Дўнғқишлоққа шошиб кетганим отам...

Олисни кўзладик...

Қисмат чопонини елкага ташлаб,
Олисни кўзладик, дўст, куч топ, чида.
Гоҳ мағрур, гоҳ масрур, гоҳ кўзни ёшлаб,
Дунёда яшаймиз нур илинжида.

Чархнинг ҳар кўйига кўнар одамзод,
Сийланар, синалар, аммо синмаскан.
Минг бир ишвасида турланар ҳаёт,
Дунёнинг бир ками тўлиб тинмаскан.

Ҳар лаҳза томоша, алмашар ниқоб,
Фалак тегирмони айланар токи.
Бу олам саҳнасин атабмиз мехроб,
Билсак, оғир экан тириклик юки.

Нечун кўнгил маҳзун, туйғулар хаста,
Кўзлаган йўлимиз юлдузга қадар.
Қорли чўққиларни қолдириб пастда,
Манзилга етгаймиз ҳали музаффар!

Оппоқ орзуларни юракка чизиб,
Ёруғ ниятларни жо этиб дилга.
Ишонгин, бир куни етамиз албат,
Сароблардан холи бўлган манзилга.

Янги тонг отяпти...

Дунёга келдингми, яшамоғинг шарт,
Тақдирда борига шукрона айтиб.
Синглим, кўзингдаги ёшларингни арт,
Жилмай болаликнинг бағрига қайтиб.

Янги тонг отяпти, қалбингга ишон,
Қуёш нурларига боқ умид билан.
Дилдаги дардларинг унутиб шу он,
Яша ғанимларнинг сўзидан баланд.

Биламан, хотирлар дилни ёқади,
Баҳордай уйғону очил лоладай.
Ва албат дунёлар кулиб боқади,
Бахт бағрингга ўзин отар боладай.

Шунчаки кечиргил дўсту ғанимни,
Кўнглингда қолмасин ҳеч гина ё ўч.
Ҳаловат аллалар руҳинг, танингни,
Борин унутмоққа топа олсанг куч.

Йўл излаган фақат сенмас дунёда,
Инсон кўп, юраги минг ямоқ юрган...
Қайғулардан холи, ғамдан озода,
Орзу қанотида учмоқни ўрган.

Яна юрагингни меҳрга тўлдир,
Ишончла одимла ёруғ эртангга.
Оғир, лек қалбдаги риёни ўлдир,
Гарчи ханжарлари ботар елкангга.

Ишон, бир кун келар, қўлингдан тутиб,
Кимдир боқар ёниқ нигоҳида чўғ.
Шунда бил, ғамларинг буткул унутиб,
Дегайсан: "Дунёда мендан бахтли йўқ!"

Синглим, кўзингдаги ёшларингни арт...

Ям-яшил юртларда

Ям-яшил юртларда бахтли эмишсиз,
Тонгда кабутарлар келтирди хабар.
Менинг мушток дилим кезади ҳиссиз,
Ҳижрон боғларида телба, дарбадар.

Бедорман — ўйларим, ишқим сиз билан,
Яшайман ишониб аҳдларингизга.
Соғинч гирдобида хазонман, хасман,
Тўкилгим келяпти... кафтларингизга.

Гарчи бунда баҳор, мен суйган апрель,
Юрагимга сиғмас унинг қулгуси.
Оппоқ туйғуларим, ширин ҳисларим
Сиз-ла туғилгуси, сизсиз ўлгуси.

Ёмғир эзиб ёғар, сиз кетган кундан,
Менга ҳамдард бўлди, бир он тинмади.
Хавотир изғиган фироқ тунида,
Шивирлашдик... кўзга уйқу инмади.

Яна кипригимда янги тонг отди,
Илҳақ кутяяпман ёруғ бир хабар...
Келмайсиз... наздимда минг бир йил ўтди,
Ахир, уч кун ўтиб қарийди сафар...

Ям-яшил юртларда бахтлимисиз сиз,
Менсиз кунларингиз ўтарми шодон?
Кўксимда бир қучоқ соғинч гуллари,
Сўлиб қолмасидан, қайтинг, бегижон.

Ям-яшил юртларда бахтлимисиз, сиз...

Сахий осмон

Борлиқ узра сочилар дур
сахий осмон қўйнидан.
Оқ маржон сўкилибди,
бу тонг аёз бўйнидан.

Ногоҳ... қалбдан чекинади,
кўним топган гард-ғубор.
Қаранг... замин узра майин,
ёғаётир оппоқ қор...

Ишқнинг шароби

Кенгликлар, кенгликлар, қалбим сиздан кенг,
Бир ширин хаёлман, рўёман, тушман.
Тоғлардан юксакман, самоларга тенг,
Мен бугун севгидан сархушман...

Бахтдан эҳсон кутмас, ғамга қиз эдим,
Минг йиллар яшадим соғинч бағрида.
Чирмовиқлар босган, сўқмоқ из эдим,
Ногаҳон кўз очдим ишқнинг атридан.

Мен бугун ошиқман, мен бугун гулман,
Зим-зиё дунёда бир ҳовуч нурман.
Ишқ аро оташман, унингсиз гилман,
Ишқнинг шаробидан сармаст, масрурман.

Парчаланг юракни бурда-бурдага,
Оташ аро бунёд бўлар жоним маним.
Майли, нима бўлса бўлар эртага,
Бугун кўнглим билан ёлғиз қўй, ғаним.

Минг йиллар изладим, дилим хун эди,
Ишқим армон эди, дил маҳзун эди.
Бизни учраштирган бир афсун,
Қароқлар сирлашган сирли кун эди.

Кенгликлар, кенгликлар, қалбим сиздан кенг,
Тоғлардан юксакман, самоларга тенг...

"ШУРИК"



Унинг "Шурик" бўлиб танилганига уч йилдан ошди. Аввал оддий Шуҳрат эди. Ўғирлик ҳам одамга обрў келтираркан.

У тажрибали ўғриларга ўхшаб ўзиникидан эмас, ён қишлоқдаги молларни ҳайдаб келишдан бошлади. Даставвал биров гумонсирамади. Оқтепанинг бозорида уч бора қўй пуллаб келгач, ҳаддидан ошди. У энди дашгда ўтлаб юрган бўрдоқи қўйларнигина эмас, сигир, ғунажин, оғилда боқилаётган ҳўкиз, болали сигирлар, от, байталларгаям ҳужум қилишга ўтди. Ушоқ молларни Холдор чўпоннинг кўрасига қамаб қўйиб, уч кунда эгаси сўраб келмаса, трактор тележкасига ортиб Оқтепа бозорига олиб жўнар, изи очилмагач, кейинги ўлжаларини тўплаб, кўпайтириб Челак бозорида пуллаб келарди. Иши силлиқ юргач, чўнтаги пул кўриб қолганидан кейин иккита ишончли шерик ҳам топиб олди. Кейин мол ҳайдаб келишни шу икковига юклаб қўяқолди. Буям уста ўғриларга хос — ўғирлик занжирга айланса, қўлга тушган қисмини узиб ташлаб қутулиб кетиш осон-да.

Чўлдаги тоғасиникида бир ой мардикор бўлиб ишлаб келган эди. Ғишт қуйиб, лой қориб, сувоқ қилса, тоғаси қўлига пул тушганда учтўрт сўм берар, "Тоға, қўшинг яна, уйдагилар қараб турибди, ун тугаган, мой керак, гўшт керак" деб хиралик қилаверса, тоғаси:

— Мен сени чақириб эдимми, менга мардикор керак, деб эдимми, кўриб турибсан-ку аҳволни! — деб уришар эди.

Тоғаси банкда оддий инспектор. Неча йилки қўли юпқалигидан "временка" деб аталмиш икки хона, шу икки хонага ўртадан кириб чиқадиган даҳлиздан бошқа иморат қилишга қурби етмайди. Банкда ишлагани билан лавозими паст. Ҳар йили хотининнинг иддаоларига чидай олмай ғишт қуяди, бултур молхона ҳам тиклади, аммо чоғи-чамаси келмагач, қуйилган неча минг ғишту гувалаклар ёмғир остида қолиб ивиб кетди. Кейинги йили қишлоқда сандироқлаб юрган жиянини чақириб лой қоритиб ишлатаётгани шундан. Зора одамга ўхшаб кўримли бир иморат тиклаб олса, кузда томига шифер ёпса, сувоғи, бошқа майда ишлари кейин бўлаверади.

Яна аёлининг зориллайвериши ортидан бир сигир сотиб олди. Ем бермаса ҳам ўт-хашак мўл, мева, қовун-тарвузнинг пўчоғи билан семиртирди, унинг устига бўғоз, елини путига сиғмай ялтиллаб кетди.

Не кўз тегдики, шу сигир йўқолди. Мелиса чақиришди. Қоидага биноан ариза олиб, сўнг баённома тузишди. Кимдан гумон қилиши, атрофда кимлар ўғрилиги билан қизиқишди ва... жўнаб кетишди. Орада тоғаси орган ходимлари билан Фориш, Ғаллаорол, Арнасой бозорларига ҳам бориб келди.

Шуҳрат ўша кезда ўйладики, ўғри катта молни юз чақирим олисдаги бозорга кўз-кўз қилиб транспортда ортиб бормаса керак, ўша куниёқ изидан қувиштирса бошқа гап эди. Хуллас, мол топилмади. Тоғасининг олисдаги бозорларга ички ишлар ходимлари билан қатнаб овора бўлгани қолди.

Лекин Шуҳратнинг "Шурик"лиқ туйғуси илк бор ўшанда уйғонганди. Эътироф этилган обрўли инсондан бу касбга қизиқиши қачон, нима боисдан бошланганини сўраб мурожаат қилсангиз ёхуд мухбир ўлароқ интервью олсангиз шу баҳона деб бир нарсани эслайди.

Балки Шуҳрат тоғасининг бошида банкир бўлатуриб, ҳалоллиги туфайли косаси оқармагани, сўнгра боқувдаги молини ўғирлатиб, ортидан ҳафсала билан чопмагани, мелисаларнинг ҳам думбул ҳаракатларидан ўзича хулоса қилгандир. Демак... "Бойларнинг додини бериш керак!"

Отаси Сирдарёда бензовоз ҳайдовчи шофёр эди. Бензиндан фойдаланиб катта иморат солганини биларди. Бироқ қишлоқдан оиласини опкетмади. Онам қишлоқда қаровчисиз қолмасин, қараб турингглар, деб ҳар замон пул ташлаб кетарди. Бу ердаги икки ўғли ва хотини билан иши йўқ эди. Қари, касалманд кампир вақти қазоси келиб омонатини топширди. Ўғли Сирдарёдан келиб онасининг "худойи"сини ўтказди-да, яна кетган бўйи дараги чиқмади. Гап чиқдики, чўлда у одамнинг тағин бир рўзғори бор – у хотини татар эмишу бир ўғил, икки қиз туғиб бергамиш. Онаси ўтди, энди қишлоққа бурилиб қарагиси йўқ эмиш. Қишлоқдаги икки чулдурвоқи бир кун катта бўлар, нонини топиб кетар, нима энди...

Мана, нонини ҳам топяпти – бировга юкунмай, ялинмай...

Касбини силлиқ давом эттирганига ҳеч ким ишонмайди. Албатта, у "Шурик" аталишидан олдин бир марта қамалди. Кўп ўтирмади. Охирги ўғирлиги кети очилиб қолиб товон тўлаган, олдингиларини бўйнига олмаган, уйига мелиса қатнайвериб, идорасига чақиравериб, йигит ғирт қасамхўрга, қўлга тушмайдиган тулларкка айланиб қолган. Энди арқонни узунроқ ташлайди. Нари, ундан ҳам нарироққа тузоқ қўяди. Қулоч катта бўлгач, даромад ҳам шунга яраша бўлади чоғи...

"Шурик ака" дея ялтоқланиб юрадиганларнинг иккитаси калтабинроқ чиқиб қолди. Икки қир наридаги Қорақишлоқнинг тепасида ўтлаб юрган қўйларнинг этлироғидан ўн иккитасини Холдор чўпоннинг кўрасига ҳайдаб келиб қамашса, Шурикнинг туғишган аммасиники бўлиб чиқди. Аммаси ҳам болалари қолиб бир ўзи пой-пиёда қир ошиб кепти. Эринмаган банда.

— Шуҳратжон, э, Шурикжон, айланай, чироғим, дастёрларингга айт, кўрмаган, дараклабилинар, атай муштига зўрлаб йўталар экан, муҳим гап чала қолмасин дегандай оёқларини тагига йиғиштириб, чўк тушиб давом этди:

— Бўри ҳамла қилишини сезгач, белидаги белбоққа тугиб олган нонини жондорга синдириб отаверган, уни нонга андармон қилган. Тонг отганда бўри ортга чекинган. Чошгоҳда тўқсабонинг ҳовлисига кириб ҳўкизларни молхонасига қамайди. Шунда тўқсабо бобонгизга нима дейди?

— Биз булардан бехабармиз, — дея тўнглашиб олади Шурик.

Имом синфдошининг бетига қарамай ерга тикилган кўйи таъкидлаб давом этади:

— Кириб хушомад қилай деса, тўқсабо қовоқ очмас эмиш. Бир сўз демабдию дарчани очиб ташқарида нон ёпаётган хотинига:

— Нонингнинг ичида қулчаси борми, — деб қичкирибди. Бор, деса, "куйгани-чи?" деб яна сўрабди. "Бор". Шундан биттасини Назарқулга бер, совқотибди, бориб бола-чақаси билан есин, — деб ташқаридан жавоб бериб юборган, бобонгизнинг бетига ҳам қарамаган, бобонгиз ҳам бошқа бу ишга қўл урмай кетган экан.

Шурик "хўш?" дегандай имомга термулди.

— Одамларнинг тушунгани, донолигини айтаман-да, тўқсабо унга рўйхушлик бермаган, ўғирликни ташласин, мен ҳам бировнинг молига муҳтож эмасман, демоқчи бўлган. Одамлар ишора билан ҳам бир-бирини тушунган. Ҳозиргилар, айниқса, ёшлар... Билмадим, билмай қолдим...

— Ўғрисан, харомхўрсан, дўзахисан... дейсан-да?

— Шундай демадим-ку, аммо шуни айтмоқчи бўляпман очиғи. Ёмонликдан қайтариш мўминнинг вазифаси. Эрта қиёмат куни нима деб жавоб берамиз? Битмас-тугамас жазоси бор. Қўрқмайсизми? Бу дунёда ҳам кутмаган жойдан панд ейсиз. Қавмдош, овулдош, ана олинг, оз-моз Худонинг хизматини қилиб юрган одам сифатида айтаётибман, ташланг бу ишингизни, дўстим. Тавба қилинг, тавбада гап кўп!

ҲИКОЯ

Кечагина тепишиб катта бўлган синфдош жўрасининг бу қадар "катта кетиши"дан Шурик лол қолди. Қарши бир нарса демаса-да, ғурури қўзиб, томоқ қириб:

— Майли-ку, жўра, бизниям орқамизда сўровчилар бор, — деб қўйди.

Шу гапни қутиб тургандай, имом:

— Ҳаммамизнингам олдимизу ортимизда, устимизда Парвардигор эгам кутиб турибди. Сизни қўллаб турганлар ҳам бир кун оғзи куяди, охири вой бўлади. Мана, мени айтди дерсиз, ўғирлик шунақаки, тез кунда орқаси очилади, шармисор бўласиз, дўстим!

— Мен сени мадраса кўрган, яқин жўрам деб қора тортиб келсам, нуқул гўри қиёматдан келасан. Мундай бир жўрачилик, одамгарчилик деган гаплар ҳам бор-ку. Менам биламан сен айтган гапларни, мундай қишлоққа тўғри келадиганларидан айт!

— Қишлоққа тўғри келадиган гап шуки, ўғрибоши эканингиз ростми, одамларнинг ҳалол молини олиб, ўзингизнинг ҳаром мулкингизни орттираётганингиз ҳам ёлғон эмасми, овулда гап ётмайди, атроф қишлоқдагилар ҳам "Шурик ўғри" дейдиган бўпти. Фикри ожизимча, аввал ҳовлиқма, босар-тусарини билмайдиган икки шеригингиз, сўнг Холдор чўпон чув тушади. Сўнг улар сизни сотиб тортиб кетади. Кўрасиз, жўра, шунақа бўлади! Давлат ҳам шунча жабрдийданинг чириллаб қолишига қараб турмайди, золим ўғриларни тек қўймайди. Мана, тез орада шу иш бўлади, кейин мени айтди деб қоларсиз. Худодан қўрқмасангиз, балки булардан қўрқарсиз...

"Ҳунари" билан танилиб келаётган "Шурик"ка ўз тенгқуридан ёш боладай дашном эшитиш ёқмади. Ёқмас ҳам эди. Бироқ кўнглида, юрагининг бир четида аммаси уйғотиб қўйган оғриққа тасалли қидириб бу ёққа боши оғиб келиб қолганига энди ўзи ҳам иқрор бўлди.

— Ўргилдим сендай файласуфдан! Тупурдим! — деб тугунчасини қўтариб чиқиб кетди.

Бориб Холдор чўпонникида эрталабгача ароққа бўкканини эшитдик.

Беш кун ўтгач Холдор чўпон билан шериклари қамалди. Мелисага арз қилганлар орасида "Шурик"нинг Қоратошдаги аммаси ҳам бор эмиш.

Тез орада "Шурик" ҳам қамалиб кетди.

Қамоқхонада инсофга келганлар даврасига қўшилиб, тавба қилгани, пешонасини саждага қўяётганини ҳам эшитдик...

Инсон яхши ёзувчи бўлиши учун, ўйлайманки, у яхши элшунос-этнограф олим бўлиши керак. Юнонча "этнография" сўзи "этнос" (эл) ва "графия" (ёзиш) сўзларидан қуралган бўлиб, энтограф олим элнинг келиб чиқишидан тортиб унинг барча моддий ва маънавий қадриятларини ўрганувчи олим ҳисобланади. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарини битган Беруний бобомиз буюк элшунос олим бўлган. Ўзбек тилида "элшунос" сўзини фаол қўллаганимиз ҳолда бу сўз ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритилмагани қизиқ. Ваҳоланки, "элфуруш" сўзи бор бу луғатда.

ОТАУЛИ

Эл

Мана, "Элга суянган эланмас" деган энг қисқа, лўнда ва пурҳикмат мақолларимиздан бири. Қаранг, бу ерда "эланмас" сўзи икки маънода қўлланган. Биринчиси: "Бўйин эгиб, бошини хам қилиб ялиниб-ёлвормас". Иккинчиси: "Бешафқат вақт элагида эланиб, ғалвир сувдан кўтарилган чоғида элак билан ғалвирдан тушиб қоладиган даражада майда эмас, аксинча, улкан ШАХС"! Кўпни кўрган элнинг ҳикматли гапи бу! Зотан, ҳар бир инсон учун ўзи мансуб эл энг ишончли ва тоғдек улкан, қоядек собит суянчик! Одатда эр йигит ўз элига қанчалик қаттиқ суянгани ва унинг оғирини – енгил, мушкулини – осон қилган бўлса, ўзи хам шунчалик улғайиб-улканлашиб, фавқулодда куч-қудратга эга бўлиб бораверади. Натижада вақти-соати келиб эл эрга суянчиққина эмас, аксинча, эр ҳам элга суянчиқ бўлади. Ҳар бир эл эр йигитлари – эранлари орқали ўзлигини-ўзбеклигини дунёга кўрсатади-да! Ўлмас ҳикматларида "эран" деган қадим туркий сўзни туб луғавий маъносида қўллаган авлиёлар сарвари Хўжа Аҳмад Яссавийдан бошлаб то Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбекка қадар не бир оламшумул эранларимиз ўзбек халқининг ўзлигини бу жаҳон айвонида кўз-кўз қилиб турганлари йўқми, ахир!

Бундай эранлари (ботирлари, паҳлавонлари, алпомишлари, қаҳрамонлари, улкан шахслари...) бўлмаган эл, табиийки, оламдаги энг ожиз-бечора, уқувсиз-бўшаланг эл. Мана, ўзаро мазмунан яқин бўлган учта мақол мағзини бирйўла чақишга уриниб кўрайлик, зотан уларда эранларсиз қолган элнинг бошига мукаррар равишда ёғилажак кўргиликлар қойилмақом тилга олинган. "Эл овлоқ бўлса, тўнғиз тепага чиқади", "Овлоқ кўлда – бақа хон", "Қоронғи қолган юртга қорашақшақ подшо бўлибди". Худди аввалги мақолдаги "эланмас" сўзи каби, бу ердаги, айниқса, "овлоқ" ва "қоронғи" сўзларида теран тагмаънолар бор. Маълумки, "ов" ўзагидан ясалган "овчи" сўзи ов қилаётган одам маъносини, "овдон" сўзи "овчи ов қиладиган майдон" маъносини англатганидек, "овлоқ" сўзи "ов қилишга қулай ва овга сероб жой" деган маънони англатади. Худди тошлоқда тош, қумлоқда қум кўп бўлганидек, овлоқда нима кўп – ов кўп-да! Ов кўпми, демак, ов овлашга ишқибозлар ҳам, табиийки, кўп. "Овлоқ" сўзи туб луғавий маънодан ташқари, "Одамлар яшайдиган овул ва қишлоқлардан олисдаги эгасиз, кимсасиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ташландиқ жой" деган қўшимча маънони ҳам англатади, чунки овлоқ айни ўшандай жой бўлади-да. Бундай эгасиз жойда, табиийки, тартибсизлик, тўс-тўполон ҳам кўп бўлади, чунки "чангалзор қонуни" тантана қилади. Қарабсизки, ит эгасини, мушук бекасини танимайдиган олатасирда табиатан ҳамма нарсани бузиб-ёриб, тўполонни баттар тўс-тўс қилиб ташлашга мойил уришқоқ тўнғиз бошқа жонзотларга нисбатан осонроқ тепага чиқиб олиши ва овлоқдаги овдонга, ҳатто барча маҳлуқотга ўз ҳукмини ўтказиши тайин. Мутафаккир шоиримиз Абдулла Ориповнинг бир қуйма шоҳбайти ёдингиздами? "Менга алам қилар, тилла балиқча, Шу кўлмак ҳовуз деб билар дунёни". Эътиборингиз учун, ушбу шоҳбайт донишмандликда беназир халқимизнинг "Овлоқ кўлда – бақа хон" сингари ҳикматли гапларига мустаҳкам таяниб турибди. Ақли расо онгли мавжудотлар эмас, вақиллаш-валақлашдан бошқага ярамайдиган бақа хон сифатида эгалик қилаётган кўлми-кўлмакда, наинки тилла балиқча, балки ҳар қандай тирик жоннинг ҳолига маймунлар йиғлаши табиий-да, шундай эмасми? Бу ҳолни тез айтишга қурилган яна бир мақолимиз аниқ-равшан кўрсата олади: "Қудуққа қулон қуласа қулоғида қурбақа қуриллайди". Кўриниб турибдики, қудуқдаги аҳвол кўлмакдаги аҳволдан беш баттар!.. Юқорида келтирилган мақолларнинг учинчисидаги "коронғи" ва "корашақшақ" сўзларининг тагмаънолари, табиийки, "овлоқ" сўзининг тагмаъноларидан ҳам теранроқ. "Қоронғи" сўзи "корон қолган", "қаровсиз қолган", "зулматда қолган" маъноларини баравариға англатиб турибди! "Корашақшақ"нинг қоралиги "Қоработир"нинг қоралигидан ҳам қорароқ, унинг шақиллаши эса, қурбақанинг вақиллашию қуриллашидан минг карра кучлироқ!.. Элнинг эрансиз қолиш фожиасини атиги биргина сатр-бир неча сўзда бундан-да содда, лўнда ва ёркин тасвирлаб-ифодалаб кўрсатиш мумкинми сира?! Бундай бадиият юксаклигига халқдан бошқа қай бир сўз санъаткори кўтарила олади?!

"Деворнинг ҳам қулоғи бор", "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" сингари ҳикматли гапларни кўпчилик билади. Лекин уларнинг биронтаси атиги учта сўздан иборат "Эл қулоғи – эллик" мақоли қадар бадиий жиҳатдан юксак эмас. Аввало шунга эътибор берингки, "эллик" сўзи уч, тўрт, беш, етти, тўққиз, ўттиз, қирқ, юз, минг сингари ўта сир-синоатли илоҳий рақамлардан бири. Бу рақамнинг ўзаги эса, "эл"! Худди "болалик" сўзи бола кезларини, "пахталик чопон" сўз бирикмаси пахтани қавиб тикилган чопонни англатганидек, "эллик қулоқ"нинг туб маъноси "эллик дона қулоқ" эмас, балки "элга тегишли қулоқ"! Қаранг-а, эл чиқарган қулоқлар "Қозончида ихтиёр – қайдан қулоқ чиқарса" мақолида айтилган қулоқлардек иккита-учта, ҳаттоки қирқта эмас, нақд элликта-я! Агар Ҳазрати Султон Аҳмад Яссавий мақбарасида қўним топган, ўз пайтида соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари саккизта маъдан қотишмасидан (нақл қилишларича, жаннатнинг саккизта қопқаси бор!) ясаттирган ва бутун элга овқат пишириладиган улкан дошқозоннинг қирқ қулоғи бор бўлса, ана ўша элнинг ўзида қирқ эмас, эллик қулоқ бор! Атиги бир жуфтгина "тешик қулоқ" одам боласининг ҳаёти мобайнида нималарни эшитмайди дейсиз! Энди нақд элликта қулоқнинг эшитганларини кўз олдингизга келтиринг! Улардан бу оламдаги биронта шивир-шивир, пичир-пичир, висир-висир, мисир-мисир ва ҳоказо овозлар четда қолиши мумкинми сира?! Ҳаттоки ер остида илон қимирласа – биладиган кўпни кўрган Эл элликта қулоғи билан буларнинг ҳаммасини эшитади – эшитмай қолмайди, демакки, кимнинг нима деб сайраётганию кимнинг дилидаги дарди нималигини беш кўлдек билади!

Келинг, элга боғлиқ яна бир мақолнинг мағзини чақишга уриниб кўрайлик! "Эл – эрнинг синчиси". Бу гап "Мард майдонда синалар" мақолидан ҳам пурҳикматроқ. Одам боласи табиатан мардми-номардми, асл эрми-қаро ерми, Ҳазрати Инсонми-тубан бир

БАДИА

махлуқми – бу саволга элдан бошқа қай бир синчи бехато жавоб бера олади дейсиз! Элнинг қулоғи эллик бўлганидан кейин, табиийки, кўзи ҳам эллик-да! Эллик қулоқ эшитиб, эллик кўз кўриб-кузатиб, ҳар бир нарса-ҳодисани баайни элак-элак қилиб, сарагина саракка, пучагина пучакка ажратиб турганидан кейин... оғиздаги ўттиз икки тишнинг ҳимоясида турган тил... жим қолаверадими? Асло! Масалан, "Эл оғзига элак тутиб бўлмас" мақоли буни аён кўрсатиб турибди. Нега мақолда, дейлик, "қопқоқ қўйиб" ва ё "талқон солиб" эмас, айнан "элак тутиб" сўз бирикмаси ишлатилмоқда? Сабаби шундаки, биринчидан, жисмоний ҳаракат сифатида оғизга қопқоқ қўйиб ва ё талқон солиб бўлмайди дейиш мумкин эмас, аммо минг урингангинизга билан ростдан ҳам оғизга элак тутолмайсиз-да! Чунки оғиз элники, элнинг эса, қулоғи ҳам, кўзи ҳам, оғзи ҳам эллик, эл орасида оёғи билан эмас, оғзи билан юрадиганлар ҳам топилиб туради, буёғини сўрасангиз, "элак" сўзининг ҳам, умуман, "эламоқ" феълининг ҳам ўзагию эгаси эл! Шунинг учун ҳам яна бир халқона ҳикматда алоҳида уқтириладики, "Элнинг қучи – эллик ботмон"! Халқчил шоирларимиздан бири Абдулҳамид Чўлпоннинг "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ қучдир" деган қуйма сатри ўз пайтида мана шундай халқона ҳикматлардан куч олган эди, албатта. Шунинг учун ҳам Чўлпоннинг қуйма сатрларидан яна бири "Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!". Бу сатр ўзига хос ҳайқириқ, чақириқ, оташин даъватга айланиб кетган, дейиш мумкин. Арабча "халқ" сўзининг ўрнига қадим туркий тилимиздаги ўзак сўзлардан бири – "эл"ни қўйсангиз, кўп нарсалар яна-да ойдинлашиб, ўзингизга, ўзлигингизга, ўзбеклигингизга қайтиб, моҳиятга яна-да яқинлашасиз...

Худога шукр, улкан эл ҳеч қачон, ҳаттоки ўша қулдорлик тузумидан беш баттар тузумда ҳам жонини гаровга қўйиб ўзининг Ҳақ сўзни айтишга қодир Эранларисиз қолмаган! Ҳар бир замонда ўз даврининг Алп Эр Тўнгалари деса дегудек эр (эркак, эран, ботир, паҳлавон, қаҳрамон, улуғ шахс...)ларни энг буюк синчи сифатида ҳаётий синовлардан синдирмай ўтказиб, ўз бошига азот кўтараверган бу кўпни кўрган эл! Ўз навбатида, синчининг синовида синмаган улуғ шахслар ҳам ўз элини



улуғлаб, унинг оламшумул доврўғига янги доврўқ қўшган ва, иншооллоҳ, қўшаверади. Зотан Улуғбекдек не бир улуғларни яратган улус-да бу ул!

Жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг 1991-2016 йилларидаги йигирма беш йиллик тарихи билан кейинги уч йиллик тарихини қиёсий таҳлил қилиб қарасангиз, буюк эпосимиздаги "Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти" шоҳ сатри нақадар ҳақ-ростлигини аввалги йигирма беш йилга нисбатан кейинги уч йил яна-да ёркинроқ кўрсатиб турганини дил-дилдан ҳис қила оласиз. Жаҳонга ёзилаётган кенг қулочлар, ён қўшни-жон қўшниларга чўзилаётган дўстона қўллар, туркий эл-кардошларимизга очилган қучоқлар, миллий тикланишдан миллий юксалиш томон қўйилаётган шаҳдам қадамлар, халқ қабулхоналарида эл билан тиллашувлар, муҳтожларнинг синиқ кўнгилларини бутлаб, хира тортган дилларни ёриштиришлар, иқтисодий-сиёсий янгиланишлар, қадимий тилимиз ва элимиз билимдонлари – том маънодаги элчи-элшунос-элпарварлар олдида очилаётган кенг ва равон йўллар!.. Муҳтарам Юртбошимизнинг ҳар бир йил, ой ва кунда тиним билмай ўттиз уч миллионли халққа беминнат хизмат қилиш йўлидаги қизғин ва серқирра фаолияти барча раҳбар, зиёли, бутун бир мамлакат аҳли учун шахсий намуна ва ибрат бўлаётганини айтмайсизми!.. Илоё шаҳдам қадамларимизга кўз тегмасин! Илоё не бир чекловлару тушовларни кўрган ситамдийда элимиз ҳамиша ҳозиргидек тинч-осуда ҳаёт, қизғин яратувчилик, кўтаринки кайфият, ҳавас қилса арзигулик ғайрат-шижоат оғушида бўлсин!



Ўзбек-туркман адабий алоқаларида ўзаро таржималар алоҳида аҳамиятга эга. Агар Махтумқулидан тортиб ҳозиргача бўлган даврда туркман адабиётининг нодир намуналари ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонларга етказилган бўлса, Алишер Навоий ва ундан кейинги ўзбек адабиёти намуналари туркман китобхонларининг маънавий мулкига айланиб улгурди. Бу хазина яқинда XVIII аср туркман адабиётининг йирик намояндаларидан бири Давлатмаммад Озодий қаламига мансуб "Ваъзи Озод" ("Озодий насиҳатлари") достони билан янада бойиди. Асарни филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим ўзбек тилига ўгирган.

ОЗОДИЙНИНГ НАСИҲАТЛАРИ

Давлатмаммад Озодий машҳур шоир Махтумқулининг отаси. У ўз даврининг таниқли шоирларидан бўлган. Бир неча достонлар, ғазаллар, маснавийлар, рубоийлар битган. Шоир "Ваъзи Озод" достонидан бошқа салкам минг мисрадан иборат, маснавий шаклида ёзилган, тасаввуф ғоялари билан суғорилган "Беҳишнома" номли поэма ҳам яратган. Озодийнинг яна бир хизмати шундаки, у ўғли Махтумқулининг етук шоир бўлиб етишишига салмоқли ҳисса қўшган ҳам ота, ҳам устоз. Озодий Хива мадрасаларининг бирида тахсил олган. Шарқ адабиёти, айниқса, Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий ижодидан баҳраманд бўлган. Араб, форс тилларини яхши билган. Ўз асарларида устозларининг ахлоқий-дидактик ғояларини давом эттирган, ривожлантирган. Хусусан, у Алишер Навоийни устозларидан бири санаган. Шоирнинг "Ваъзи Озод" достонини яратишда Навоий ижодидан, айниқса, "Ҳайрат ул-аброр" достонидан таъсирланганги илмда исботланган. "Ваъзи Озод" фақат шоир ижодида эмас, умуман, Шарқ адабиётида ҳам фалсафий-дидактик достонлар намуналари қаторида туради.

"Ваъзи Озод" тўрт бобдан иборат. Ҳар бир боб ҳар хил мавзуда. Достоннинг биринчи бобида адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, ҳукмдорлар тўғрисида сўз юритилса, иккинчи боб хайр-саховат мавзусига бағишланган. Учинчи бобда шоирнинг олимлар ва илм ҳақидаги қарашлари жамланган. Тўртинчи боб эса дарвешлар билан боғлиқ мавзуда якунланади. Асар маснавий йўлида ёзилган. Боблар "фасл"ларга ажратилган. Сарлавҳалар насрий: "Аллоҳ таолонинг бир шоҳни кечиргани баёни", "Золим подшоҳлар оқибатининг баёни", "Сахий одамларнинг бахти ҳақида", "Рўза тутишнинг баёни", "Ота-онани рози қилиш баёни", "Одилликнинг фойдаси баёни" ва ҳоказо. Сарлавҳалар остида шоирнинг одобахлоққа доир фикрлари ифодаланган. Асл нусханинг композицион тузилишига хос бу хусусият таржимада тўла сақланган.

Озодий адолатпарвар, ҳақиқатгўй шоир бўлган. Асарида мавзуга доир илғор ғояларни илгари сурган. Айниқса, подшоҳлар, ҳукмдорлар давлатни адолат билан бошқарса, эл-юрт обод, халқ фаровон яшайди, дейди шоир ва фикрларини таъсирчан мажозлар, образли ифодалар воситасида ифодалайди.

Озодий адолатли ёки адолатсиз подшоҳларга муносабатини шунчаки шеърий сатрларда ифодалаш билан кифояланмаган, ғояни таъсирли бериш учун ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланган. Подшоҳ одил бўлса, натижаси қандай бўлишини ёки адолатсиз ҳаракат қилса, оқибати қандай кечишини ривоят "либоси"да талқин этади. Шу мақсадда достонга икки ривоят киритилган. Биринчиси: Шоҳ Баҳром сайлга чиққанида бир боғбон уйига кўнади. Мезбон уни анор шарбати билан меҳ-

ТАРЖИМА — ЮКСАК САНЪАТ

мон қилади. Подшоҳ боғдаги серобликни кўриб, бу боғга солиқ солиш керак экан, деган хаёлга боради. Шоҳ яна анор шарбати келтиришни буюради. Лекин бу гал мезбон анча хомуш қайтади ва қанча уринмай, анор бир томчи ҳам шарбат бермади, дейди шоҳга.

Иккинчи ривоят мазмуни ҳам шунга яқин. Кубодшоҳ бир чодирда меҳмон бўлади. Чодир эгаси шоҳни сигир сути билан сийлайди. Шоҳ бу ерда сигир сути кўп бўлар экан, буларга солиқ солишим керак, деган фикрни кўнглидан ўтказади ва яна сут келтиришни буюради, бироқ чодир эгаси шоҳ ёмон фикрга боргани учун сигир бир томчи ҳам сут бермади, деб зорланади. Шоир бу ривоятлардан қуйидагича хулоса чиқаради:

Патшаким зулм-у жовр этса билинг,
Берекети гиттеи алем аҳлининг.
Еллер-у сувлара, агачлар, эй эмин,
Налиш этгейлер хеме ройи-земин…

Таржимаси:

Подишоҳким, зулму жабр этса, билинг,
Баракати кетар олам аҳлининг.
Ерлару сувлар, оғочлар эй амин,
Нолиш айлаб турар осмону замин.

Таржимада туркман тилидаги ҳар бир сўзнинг ўзбекча муқобили ўз ўрнида ишлатилган. Муҳими, ўқувчи асл нусханинг ифодавий руҳини, поэтик маъно оҳангини ҳис қила олган. Достоннинг деярли ҳар бир бобида ҳикоят ёки ривоят қўлланилган. Бу анъана Шарқ мумтоз адабиётига хос. Шоир шу тажрибага таянган. "Ҳазрати Сулаймоннинг Ҳақдан ўғил тилагани", "Ҳазрати Сулаймонга бир қуш келиб арз этгани", Шоҳ Маҳмуд, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Али, Ҳазрати Мусо ҳақидаги ҳикоятлар достон ғоясини чуқурлаштиришга хизмат қилган. Таржимон ривоятларнинг шоир мақсадини ифодалашдаги вазифасини теран идрок этиб, бирор мисрасини ҳам қолдирмасдан ўгирган. Шунчаки ўзбекчалаштирмаган, таржимага поэтик жило берган.

Достоннинг катта бир боби илм ва олимлар ҳақида. Шоир илм қудратини юқори баҳолайди. Ҳар бир инсон тақдирида илмнинг аҳамияти ғоят катталиги турли ривоятларда, образли шаклда, қизиқарли баён этилган. Илмига амал қилмаган олимларни шоир "орқасига китоб ортилган хар"га ўхшатади ёки боғ бунёд этгану ҳосилидан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам баҳраманд этолмаган боғбонга қиёслайди.

Эгаси кундуз бўлса, илми бўлар Кун,
Очиқ айлар кўришга ботил кўзин.
Гар эгаси кеча бўлса – Ойдир ул,
Ёруғ бўлар ҳам ёмон, ҳам яхши йўл.

Энди ушбу мисраларнинг асли билан танишинг:

Сахыбы гундузиседир – ылым гун,
Ачық эйлер гормеге батыл гозун.
Сахыбы гиже болурса – айдыр ол,
Ровшен олгай хем яман, хем ягшы ёл…

Озодий ғояни, фикрни образли ифодалашга, мажозлар орқали талқин юритишга моҳир. Келтирилган парча фикримизга бир далил. Таржимада аслиятнинг бу қирраси ҳам тўла акс этган. Бир қараганда, таржимон мисолдаги айрим сатрларни сўзма-сўз ўзбекчалаштиргандек кўринади. Аслида ундай эмас. Гап шундаки, таржима тажрибасида бу усул қўлланилади. Қолаверса, туркман тили туркий тиллар таркибига киради.

Шоир адолат ва маърифатни қаламга оладими ёки саховат ва эзгуликдан сўз очадими, илм ва олимларни таърифлайдими — бари-барида тасаввуфий пафос устувор. Шоир шу усулда давр билан ҳамоҳанг, замону заминга хос одобу ахлоққа муносабат билдиради. Бундай типдаги асарни ўзбек тилига ўгириш таржимондан катта масъулият, ижодий изланиш, диний билимни ҳам талаб қилади. Б.Карим, фикримча, бу мураккаб ишни муваффақиятли уддалай олган.

Мазкур таржима асарда майда нуқсонлар учрайди, бироқ рости, бу жузъий хатолар менга муҳим эмасдек туюлди. Шу боисдан уларга махсус тўхталмади. Энг асосийси, ўзбек китобхони дунёга машҳур шоир Махтумқулига ҳам оталик, ҳам устозлик қилган Давлатмаммад Озодийнинг "Ваъзи Озод" достони билан танишиш имконига эга бўлди. "Ваъзи Озод" достони Баҳодир Каримнинг туркман адабиётидан қилган илк таржимаси. Гарчи бу биринчи тажриба бўлса-да, муваффақиятли чиқди. Олим бу фаолиятини изчил давом эттиришини, туркман адабиёти намуналарини ўзбек тилига ўгириб, таржима адабиётимизни бойитиб боришини, энг асосийси, туркман-ўзбек адабий ҳамкорлигини ривожлантиришга янада кўпроқ ҳисса қўшишини тилаб қоламиз.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

ҲАЁТ ТАРАННУМИ

Аждодларидан мерос бўлиб ўтган бахшичилик, сўз санъатига чексиз меҳр шеър шайдоси Ражаб Турдиевнинг қўлига қалам тутказди, уни ижод гулшанига етаклади. Дастлаб учрашиб танишганимда, бу инсон қалбида ижодга ташналик, гўзалликка шайдолик, мавжли туйғулар яширинганини билмас эдим. Лекин орқаворотдан "Ражаб Турдиев дўмбира чертиб, достон айтармиш, жуда кўп китоб ўқирмиш, шеър машқ қилармиш", деган гап-сўзларни эшиттганимда ҳайрон қолганман.

Ражаб Турдиев қаламидан тўкилган сатрлар олдин шеърлар, кейин эса китобларга айланиб, ўқувчилар қалбидан жой олди, содиқ мухлисларга эга бўлди. Мана, қўлимда яна бир ижод маҳсули, сайланма — "Дилнома" шеърий тўплами. Бир-бир варақлайман. Кейин эса вақтни, юмушларимни унутиб, саҳифалар аро шўнғиб кетаман.

"Дилнома" сайланмаси "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган. Ундаги шеърлар беихтиёр қалбингизни ром этиб, ўйлашга, фикрлашга ундайди. Чунки беором қалбнинг ҳис-туйғулари билан ҳаёт тажрибасига эга инсоннинг теран фикрлари уйғунлашиб, сизни бедорликка, ҳаёт ҳақида мушоҳада юритишга чорлайди. Тўғри, баъзан тарошланмаган сатрлар учраса-да, ўқувчи дунёни ўзгача кўра бошлайди. Она юртга, ҳаётга, табиатга меҳр янада ортади:

Бўлиб қолма сен ҳам, шоир, оддий бир маддоҳ,
Тавоф айлаб, сажда қилгил Ватан — онага.

Ражаб Турдиев бахшилар авлодидан. Сўзлашувида, шеърларида халқона сўзлар, иборалар, топилмаларни кўп қўллайди. Шоир одамларни, ёш авлодни пок яшашга, ғурурли, ватанпарвар, раҳм-шафқатли бўлишга, ҳаётни севишга даъват этади. Шундагина келгуси авлод олдида юзинг ёруғ бўлади, дейди:

Ўкинмагин шоир Ражаб, эшит яхшилик сасин,
Сақлагин дилда ғурур, ғариб кўнгилни эт обод.
Чалиб турғил, эшит, мириқ, бу ҳаёт мусиқасин,
Юзга солмасин авлодинг, устингдан этмасин дод.

Инсон ёши улғайган сари оқил бўлиб, ҳаёт тажрибаларидан ҳикматлар яратар экан. Ражаб Турдиев ижодида ҳам мана шундай ҳикматли сатрлар анчагина. Ушбу китобга киритилган ҳикматлар орасида халқ, буюк донишмандлар томонидан айтилган ҳикматли иборалар ҳам қайта ишланиб келтирилган. Барибир бу такрор, албатта. Лекин янги, яхши ҳикматли иборалар ҳам борки, уларни таъкидлаб ўтмай бўлмайди: "Қулф осиғлиқ тарзда тураверади, лекин уни очишни билиш керак", "Олтин офат, илм шарофат, барокат келтиради" ва ҳоказо.

Ражаб Турдиев китобидаги сўзбошида "Битикларим – дил кечинмалари, тақдир битигимдир. Уларни бадиий жиҳатдан мукаммал дея олмайман. Ижод – машаққат, заҳматдир. Буни ҳар ким ҳар йўсинда мушоҳада этади, мен ҳам", дейди.

Албатта, шоир мушоҳадалари, бадиий либос кийган фикрлари ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

Момохол ЭЛМУРОДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

КЕНГАЯЁТГАН УФҚЛАР

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётган айни пайтда, маданий алоқаларимиз катта аҳамият касб этмоқда. Муҳими, мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан сўнг, баъзи бир қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон ва Тожикистон театрларининг ижодий ҳамкорлиги узилиб қолгани йўқ. Шу кунга қадар ўзбек драматургларининг асарлари тожик театри репертуарининг асосини ташкил қилади. Ўзбек-тожик театрлари алоқаларини мустаҳкамлашда режиссёрларимизнинг ҳиссаси катта. Тожик режиссёрлари Фаррух Қосимов ва Барзу Абдураззоқовнинг ўзбек театрларида саҳналаштирган спектаклларини Ўзбекистонда ҳалигача ҳурмат билан эслашади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов театр соҳасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш йўлида астойдил хизмат қилиб келмоқда. Унинг Тожикистон театрларида саҳналаштирган "Насриддиннинг беш хотини" ва "Тартюф" (Маяковский номидаги Тожикистон давлат рус драма театрида), "Тошкентга саёҳат" (Камол Хўжандий номидаги Хўжанд вилоят мусиқали драма театрида) спектакллари ва куни кеча М.Воҳидов номидаги Тожикистон ёшлар театри саҳналаштирган "Тарма" ("Кўчки") спектакли фикримизнинг далилидир.

Таниқли турк драматурги Тунжер Жужунўғлининг асарлари дунёнинг кўплаб театрларида саҳналаштирилган. Бу спектакларнинг бир нечтасини кўрганман. Қизиғи шундаки, асар муаллифи режиссёр ва актёрларнинг ҳар бир қадамини ўлчаб, аниқ кўрсатиб берган, санъаткорларнинг эркин ҳаракатига имкон қолдирмаган. Шундай экан, хўш, ўзбекистонлик режиссёр мени нима билан ҳайратлантираркан, деган ўйда спектакль премьерасига бордим.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Аввало, спектакль давомида ўзим ва ёнимдаги томошабинларнинг тинмай кулганларига шоҳид бўлдим. Ўта фожеали вазиятлар, фарёд чекишга мажбур этадиган саҳналар шундай ҳолатга олиб келинадики, беихтиёр кўзингда ёш билан кулишга мажбур бўласан. Режиссёр инсон табиатидан, унинг ўзи ўзига орттириб олган "кўркув" устидан кулади. Бутун саҳна ҳар хил латта парчалари билан ўралган. Матолар саҳна тепасидан осилиб турибди. Бу, ўз навбатида, тепадан "бирор босим" босиб тургани, хавф туғдираётганидек таассурот уйғотади. Кейинроқ маълум бўладики, булар товушютгич вазифасини бажарар экан. Чунки асар қаҳрамонлари йилига тўққиз ой кўчки кўчиши хавфи остида "овозларини чиқармай" яшашади. Фақат уч ойгина "бақиришлари, туғишлари, байрам қилишлари, овозларини чиқариб гапиришлари" мумкин, холос. Бошқа пайт фақат пичирлаб гапиришга мажбурлар. Тоғли бу одамларнинг ҳаёти кўчки кўчиш хавфи туфайли мутлақо чегараланган. Ҳар қандай шовқин — бу ўлим билан баробар. Спектаклнинг илк дақиқаларидан бошлаб саҳнадаги қўркув ҳисси томошабинларга ҳам кўчади. Қўркув спектаклнинг асосий мавзусига айлантирилган.

Вазият шундай — актёрлар саҳнада бошдан охиригача пичирлаб гаплашади. Бу ўз-ўзидан саҳнада мистик бир сирлиликни ҳосил қилади. Жимжитликдан таъсирланган томошабин қимирлашга ҳам ҳайиқади, ортиқча ҳаракат қилолмайди, ўриндиғига михлангандай ўтиради, ҳатто актёрлар монологларидан, кулгили ва самимий саҳналардан сўнг бирдан туғилган қарсаклардан ҳам чўчиб тушасан киши.

Ҳамма қаҳрамонлар овоз чиқармайдиган махсус кийимлар кийишган. Оёқларида қалин пайпоқ, саҳнага гиламлар ва шолчалар тўшалган. Актёрлар саҳнада жуда эҳтиёткорлик билан, оҳиста ҳаракат қилишади, махсус ишланган каравотларда ётишади, уйда мебель йўқ ҳисоби. Каравотлар, стуллар ва ҳамма нарса латталар билан ўралган. Спектаклнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб, ҳали унинг асосий ғоясини англаб олмасимиздан, ҳали кундалик маиший турмуш гирдобида эканимиздан бошлабоқ, бу одамлар бирор хавф, сиқув ва эрксизлик гирдобида яшаётганини англаймиз.

Саҳнадаги қаҳрамонлар уч жуфт, уч авлодга мансуб. Булар — Кекса эркак (Тожикистон халқ артисти Тоғаймурод Розиқов), Кекса аёл (Тожикистон халқ артисти Ражабгул Қосимова), уларнинг ўғли ва унинг хотини — Эркак (Тожикистон халқ артисти Назирмад Мусаев), Аёл (Моҳпайкар Ёрова), уларнинг невараси ва хотини — Ёш эркак (артист Манучехр Ҳабибов ва Аҳлиддин Ҳасанов), Ёш аёл (Шоғун Давлатбекова).

Ҳа, айнан шундай — аёл ва эркак, уларнинг исмлари йўқ. Бу билан драматург, қолаверса, режиссёр ва актёрлар қўркувга бўйсунган кишининг исми ва шахси бўлмайди, деб таъкидламоқчи бўлишади.

Авлодлар ўртасидаги конфликт уларнинг доимо қўркув остида яшашларидан келиб чиқади. Вазиятнинг кескинлиги, ҳаяжонли, тахликали эканлиги боис ўртада кечадиган можаролар режиссёрнинг спектаклни кулгили лаҳзалар билан тўлдиришига тўсқинлик қилмаган. Томошада юмор билан фожеа, маҳкумлик билан ҳаётбахшлик бир-бирини тўлдиради. Спектаклда мутлоқ жимжитлик билан бирга мусиқа ҳам янграйди. Фақат у жуда сокин ва паст эшитилади. Шунчалар пастки, баъзан бу мусиқа қалбингда янграётгандай туюлади. Ҳатто бу томонларда мусиқа ҳам банди қилинган, гўё унинг ташқарига отилиб чиқишга ҳаққи йўқдай. Ҳатто у ҳам кўчки кўчишидан қўрққандай. Қўрқувнинг кульминацияси ёш аёлни бевакт тўлғоқ тутганида чўққига чиқади. Бу ўринда тоғли овулнинг қонунига кўра, ёш аёлни даҳшатли ўлим — тириклайин кўмилиш кутаётган бўлади. Кўчки хавфи ҳали тугагани йўқ. Туғилган боланинг қичқириғи бутун овул ҳаётига зомин бўлиши мумкин...

Ёш эр-хотиннинг муносабатлари ниҳоятда нозик, юксак ва ҳаяжонли ифодаланган. Бу ёшлар жуда-жуда гўзал, ҳаётбахш ва мафтункор. Ҳар икки образ ёш актёрлар ижросида таъсирчан, лирик, жуда ҳам нафис. Ўзларини кутаётган фожиа олдидан ёшларнинг бир-бирларига маҳкам чирмашиб рақсга тушиш саҳнаси қалбларни ларзага солади. Ёш эркак майин мусиқа остида севганини қучоқлаб, саҳна бўйлаб айлантириб рақсга тушади, ҳар иккаласининг кўзларида жиққа ёш. Ёш аёлни қийнаётган тўлғоқ оғриғига қарамай, унинг юзида табассум, ёш эркак мутлақо ўзини йўқотган, бутун вужуди талвасада. Ёшларнинг бу рақси — ҳаёт тантанасининг таъкиқланишига, ман қилинишига қарши исён.

Театрнинг икки забардаст актёри — Тожикистон халқ артистлари Тоғаймурод Розиқов ва Ражабгул Қосимова спектаклда катта авлод вакилларини ижро этишади. Т.Розиқов учун бу роль том маънода унинг ижросидаги энг яхши роль бўлиб колади, деб ўйлайман. Кекса эркак акасининг ўлими ва бу ўлимга у сабабчи бўлганидан фарёд чекиб бақиргиси келади. Лекин мумкин эмас, унинг оғзини ўз яқинлари шу заҳоти маҳкам ёпишади. Актёр ижроси томошабинни ўтирган жойига маҳкам михлайди, унинг энг нозик ҳисларини жунбушга келтиради. У "дод" деб юборишдан қўркиб, оғзини болишга маҳкам босиб, унсиз фарёд чекади! Эмоционал монологларга навбат келганда Розиқовнинг томошабинни кулдиришига ҳеч нарса халақит бермайди. Бу образ жуда ишонарли ва қизиқ топилмалар билан тўла: монологнинг қоқ ўртасида бирданига уйқуга кетиб қолиши, яқинларини доимо атайлаб "қўрқувга солиб туриши", булар тажрибали актёрнинг ва албатта, ўз ишини пухта билган режиссёрнинг катта ютуғи.

Бутун спектакль давомида томошабин йиғлайди, кулади, ташвишга тушади, қайта руҳланади, орзу қилади, эслайди, тасаввур этади... Актёрлар томоша залига етказиб бераётган кечинмалар ва ҳиссиётларнинг ҳаммасини бир-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ.

Ражабгул Қосимова ижросидаги Кекса аёлнинг образи жуда салмоқли, серқирра. Қарийб жойидан турмай, бир жойда ўтириб ҳам томошабинни ларзага солади. Актриса ижросидаги персонаж ўзини атайлаб юролмайдиган ногирон қилиб кўрсатади. Унинг таъбирича, шундай қилса "болалари уни кўпроқ яхши кўришади". Кўз олдимизда ҳаёт зарбаларини бошдан кечирган, лекин ишончини, ёшлик шўхликларини йўқотмаган кекса аёл гавдаланади. Инжиқ бу аёлнинг "рақиби" бўлмиш келини билан муносабатлари ниҳоятда ишонарли ва кулгили лаҳзаларга бой.

Келини Моҳпайкар Ёрова ҳам, ўз навбатида, ундан қолишмайди. У эри (Н. Мусаев) билан бирга томошабинни ўзларига мафтун қиладилар. Бу жуфтликнинг муносабатларида, майда, маиший ҳазиломуз эр-хотин можароларида кўпчилик томошабинлар ўз ҳаётлари манзараларини кўрган бўлсалар ажабмас. Каравотда ётиб, уйқусираб хотинини уйғотиб юбориши, мутлақо "овозларини чиқармай" бир-бирлари билан тортишишлари, шу билан бирга шовқин солиш мумкин эмаслигини доимо ёдда тутишлари ишонарли ва мохирона ижро қилинган.

Оиланинг сокин ҳаёти ёш аёлнинг бирдан бошланган тўлғоғи билан бузилади. Томошабин қалби спектакль билан бир маромда ура бошлайди, ҳаммани фалокат кутаётгани томошабин ва актёрларни бир маромда нафас олишига мажбурлайди. Саҳнага жамоат аъзолари, посбонлар — ҳукм чиқарувчилар кириб келишади. Уларни Ёш аёлнинг туғаётганини аниқлаган Момо доя бошлаб келади. Ёш аёл кўчки кўчиши хавфи тугамасдан туғиши мумкин эмас, бинобарин, уни ўлдириш қонунда белгилаб қўйилган. Лекин Ёш эркак ўз хотини ва боласини ўлим ихтиёрига беришга рози бўлмайди. У бор имкони билан хотини ва гўдаги ўлими эвазига овулни сақлаб қолиш адолатдан эмаслигини уқтиради. Бари бефойда.

Томошабиннинг асаблари таранглашади, ечим яқинлашади, қандай ечим у, билиш мушкул. Актёр Манучехр Ҳабибовнинг қаҳрамони милтиқни ўқлаб қуролланади ва ўқ отиш билан таъқиб қилиб, қатлни тўхтатади. Шу заҳоти Ёш аёлни яна тўлғоқ тутади, бола дунёга кела бошлайди... Бутун саҳнани тўлдириб гўдак чинқириғи янграйди... Бу чинқирикдан бир лаҳза ҳамма жойида қотган...

— Кўчмади, — пичирлайди жамоа раиси. Унинг гапини қолганлар паст овозда пичирлаб қайтаришади. Кўчки кўчмади... Демак, қўркув бехуда экан... Янги туғилган чақалоқ уларнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулади...

Спектаклдан сўнг актёрлар одатдагидек томошабинга таъзим қилиш ўрнига авансаҳнага чиқишади-да, бор овозлари билан қичқиришади. Бу қичқириқ бутун спектакль давомида ҳукм сурган жимликни бузиб, ҳар бир томошабин қалбига ҳаётбахш туйғуларни олиб киради.

Таниқли ўзбек режиссёри Олимжон Салимов томонидан тожик театри саҳнасида қўйилган ушбу спектакль ҳар жиҳатдан муваффақиятли чиққан, деб ишонч билан айта оламиз.

Муҳаммадулло ТАБАРОВ,
санъатшунослик фанлари доктори,
театршунос

Тожикистон

Миллий рақс санъатимизда устоз-шогирд анъанасининг давомийлигини таъминлаш, ёшларда миллий рақс санъатининг ноёб дурдоналарига меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган Мукаррама Тургунбоева номидаги «Миллий рақс ижрочилари» кўрик-танлови ўтган йили бўлиб ўтган эди. Ушбу кўрик-танлов аввалгиларидан қандай жиҳатлари билан фарқланди?

ЎЗБЕКОНА РАҚСНИ СОҒИНИБ...

Очиғини айтиш керак, танловни ўтказиш жараёнида айрим камчиликлар кўзга ташланди. Сабаби, танлов низомида белгиланганидек, танловдан 3 ой аввал эълон берилиши керак эди. Афсуски, эълон бироз кечиккани сабабли, ҳудудларда ижод қилаётган рақҳосалар кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўролмаганларига гувоҳ бўлдик. Тўғри, вилоятларда истеъдодли ёшлар кўплаб топилади. Бу кўрик-танлов ҳам айнан шундайларни кашф этиш мақсадида ўтказилади. Ёш истеъдодлар билан ишлаш, уларга устозлардан мерос бўлиб қолган рақсларни ўргатиш, қалбида рақс санъатига меҳр ҳисларини уйғотиш ва тўғри йўлга йўналтириш, халққа таништиш – бу кўрик-танловнинг бош мезони, аслида. Бу жараёнларда бевосита иштирок этиб, вилоятларда ёшларга рақс санъатидан сабоқ бераётган балетмейстерларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганишга тўғри келди. Яна бир муҳим жиҳати, вилоят Санъат коллежлари ва мусиқа мактабларида рақс йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ўқиш муддати шаҳарда таҳсил олаётган ўқувчи-талабаларнинг ўқиш муддатидан кескин фарқ қилади. Ўқувчилар вилоят санъат коллежларини 2 йилда битириб чиқса, шаҳарда 4 йилда битиради. Орадаги фарқ сезиларли, албатта. Кўрик-танловда улар ўзаро беллашиши керак. Албатта, тўрт йил таҳсил олган талаба билан икки йил таҳсил олгани орасида фарқ бор. Шубҳасиз, тўрт йил таҳсил олган талаба анча тажрибали. Айнан шу номувофиқлик кўрик-танлов шартларида яққол сезилиб қолди. Натижада вилоятдан келган иштирокчиларнинг кўнгиллари бироз хира бўлди. Чунки танловнинг талаб ва шартлари барча иштирокчилар учун бир хил эди. Танлов шартлари икки йўналишда бўлиб, биринчи шартда рақҳосалар М.Турғунбоева саҳналаштирган рақслардан ижро этишлари, иккинчисида эса эркин мавзудаги рақслар ижро этилиши керак. Биринчи шарт бўйича иштирокчиларни баҳолаш жараёнида ҳакамлар орасида тортишув бошланди. Негаки, ҳар бир балетмейстер М.Турғунбоева саҳналаштирган рақсларни ўқувчисига ўз талқинича ўргатган. Натижада қайси балетмейстер ўргатган рақс ижроси тўғрию қайси бири нотўғри экани баҳсга сабаб бўлди. Бу ҳолат кўпгина иштирокчиларни эсанкиратиб қўйди.

МУЛОҲАЗА

Очиғи, бугунги рақс санъатидан кўнглимиз тўлади, деб ишонч билан айтолмаймиз. Аввало, рақс ансамбллари жуда кўп. Бу бир қараганда яхши ҳолат. Аммо саноқда бор, сонда йўқ деганларидек, биронта ансамбль ижодида яхлит, эсда қоларли мукаммал янги асар учрамайди. Яхши ҳам устоз санъаткорлар яратиб кетган пухта асарлар бор экан, ҳамон шуларга мурожаат қилиняпти. Бугунги кунда деярли кўпгина рақҳосалар хонандаларнинг қўшиқларига рақс тушишдан ё бўлмаса видеоклипларда ўзини кўз-кўз қилишдан бўшамай қолишди. Афсуски, аксарият рақҳосаларда фидойилик йўқ, уларнинг кўпчилиги тўй-ҳашамларда пул топиш илинжида, турмуш икир-чикирлари билан ўралашиб қолишган. Озгина кўзга кўриниб қолишса, дарҳол даста очиб, 10-15 нафар қизларни йиғиб, тўйларга юборишдан нарига ўта олишмаяпти. Рақсларни қузатганда якка ва оммавий рақсларда рақҳосаларнинг оёқ ҳаракатларидаги номутаносиблик, хатти-ҳаракатларида беўхшовлик, бачкана қиликлар яққол сезилади.

— Ўтган йили юртимизда Россия маданият кунлари бўлиб ўтди, — дейди мутахассис-рақҳоса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наргиза Олимова. — Шунда Россия давлатидан "Лезгинка" рақс ансамбли концерт берди. Концертни кўриб ҳайратландим. Бизда ҳали-ҳануз бундай ансамбль йўқ... "Лезгинка" том маънода академик ижроси, профессионаллиги билан нафақат мени, балки залда ўтирганларни ҳайратга солди. Бу концерт дастурини бизда фаолият юритаётган барча ансамбларнинг балетмейстерлари, рақҳосалари кўришлари керак эди. Афсуски, миллий рақсларимизда мазмун эмас, шакл бирламчи бўлиб қолаётгани ҳам айни ҳақиқат. Рақҳосалар асосий эътиборни ташқи кўринишга, яъни жимжимадор ва ўта ҳашамдор кийинишга, қўша-қўша зеб-зийнатлар тақишга ружу қўйишяпти. Натижада ижрода ясамалик, сунъийлик, бўрттириш ҳолатлари юзага келяпти. Рақсда мазмун-моҳият, оддийлик, самимийлик, қалб ва кўнгил ифодаси бирламчи бўлмас экан, ҳар қандай жимжимадор ва башанг кийимлар ҳам асл санъатнинг моҳиятини очиб беролмайди. Бугунги кунда ижро этилаётган рақсларда миллатимизни, миллийлигимизни англатувчи, ўзбек аёлининг нафис ва майин иболи ҳаракати, ҳаёси, майда-майда қадамлар, маъноли нигоҳлар етишмаяпти. Қуруқ, ҳиссиз, сунъий жилмайиш, худди "тош қўғирчоқ" каби ҳолатлар борган сари авж олмоқда. Томошабин эса ҳақиқий, шарқона, ўзбекона санъатни соғинган. Рақс санъатимизда юзага келиб қолган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш, устозлар яратган ва саҳналаштирган миллий рақсларини халққа тақдим этиш фурсати етиб келди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ўзбек миллий рақс санъатида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бор. Бу ҳақда кўп гапиргандан кўра, унинг ечимини изласак, биргалашиб ҳаракат қилсак ўринли бўлади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар устида мутахассислар бош қотириши, меҳнат қилиши керак, холос. Биринчи навбатда йўналишлар бўйича — М.Турғунбоева номидаги Фарғона, Тошкент, Ровия Отажонова номидаги Хоразм, Исахор Оқилов номидаги Бухоро, Самарқанд, Е.Петросова номидаги Қорақалпоғистон мактаблари очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ёшларимизни шу йўналишларда ўқитсак, тарбиялай олсаккина, миллий рақс санъатимизни ривожлантириб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган бой маданий меросимизни асраб-авайлаган бўламиз. "Баҳор" ансамблининг ташкил этилиши масаласига келсак, бу хабардан нафақат биз, балки барча ижод аҳли қувонди, деб ўйлайман. Дунё тан олган, ўзбек миллати довруғини оламга ёйган бу ансамблни аввалги мавкеига қайтариш осон кечмайди, албатта. Муҳими, янги ташкил этиладиган ансамбль таркибига жиддий ва масъулият билан ёндашиш, кадрлар масаласида адашмаслик зарур. Бу ансамблнинг иш бошлаши кўпгина муаммоларга жавоб топишнинг калити бўлса, ажабмас.

Матлуба ТЕМУР қизи,
"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ходими

РАНГИН ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясида очилган "Табиат ва рассом" экспозицияси нафақат янги йил совғаси, балки рассомларнинг йиллик ижодий байрами ҳамда ҳисоботидир. Бир юз элликдан ортиқ асарнинг ҳар бирида рассом дастхати, унинг она Ватанга, бебаҳо табиат манзараларига меҳр-муҳаббати яққол намоён бўлиб турибди. В.Ениннинг "Қор остидаги шафтоли", Х.Зиёхоновнинг "Лолалар", Р.Хўжаниёзовнинг "Қиш навоси", И.Отабоевнинг "Маҳалламиз жарчилари", Д.Мамедовнинг "Қуёшли Чимён" сингари асарларида манзараларнинг табиийлиги кўзга ташланади. Кўргазманинг фаол иштирокчиси ҳайкалтарош Людвига Нестерович тошдек мураккаб жисм орқали нафақат табиат гўзаллигини, балки унинг турли ҳодисалар таъсирида гаройиб шаклларга айланишини намойиш этди. Рассомлар Делюс Мурсалимов ва Гуля Умарованинг график ишларидаги содда ва мураккаб шакллар уйғунлиги томошабинларни қувонтирди.



Тадбир доирасида очилган "Қашқадарё рассомлари" деб номланган экспозициядан қашқадарёлик ижодкорларнинг турли жанрлардаги манзара, графика, портрет, ҳайкалтарошлик ва кулолчилик асарлари ўрин олган. Ш.Аликуловнинг "Она", "Отам", "Ҳожи бобо" портретларида юртдошларимизнинг бетакрор қиёфалари, олийҳиммат ва меҳнатсеварлиги ёрқин тасвирланган. Ҳайкалтарош У.Ўроқовнинг "Хўроз ушлаган бола", "Ховонча" номли ижод намуналарида образлар тасвир услуби жиҳатидан ўзаро фарқ қилса-да, уларнинг барчаси юксак маҳорат маҳсулидир.

Тадбир "Ўзбекистон манзаралари" акцияси иштирокчиларининг 2019 йил якунига бағишланган ҳисобот кўргазмаси очилиши билан давом этди. Мазкур акцияда Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари иштирокида юртимизнинг манзарали жойларида ижод жараёни ташкил этилиб, гўзал табиат манзаралари тасвирланди. Самарқанднинг Регистон майдони, Жиззах вилоятининг Зомин, Навоий вилоятининг Нурота туманлари, Сарчашма ва Ургут қишлоқлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманларидаги Оламушук даҳаси каби сўлим гўшалар қўйнида яратилган манзаралар томошабинларни жалб этиши шубҳасиз. Кўргазма экспозициясидан Чори Бекмиров, Абдуҳаким Каримов, Дилмурод Йўлдошев, Анорқул Бойбеков, Виктория Трошина каби таниқли рассомлар билан бир қаторда иқтидорли ижодкорлар Муҳаммаджон Сатторов, Ферузжон Жумаев, Бунёд Каримов, Мирзамурод Тўхтаев, Сарвар Фармоновнинг асарлари ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Мазкур акция 2020 йилнинг якунига қадар ўтказилиши кўзда тутилган.

Сарвара ҚОСИМОВА

"GULISTON"

2019 йил 6-сон

Журналнинг ўтган йилдаги охирги сони турли соҳага бағишланган мақолалар билан эътиборни тортади. Жумладан, Б.Ҳалимовнинг "Энг мангу қўшиқ" мақоласида давлат рамзлари — байроғимиз, герб ва мадҳиямиз ҳақида сўз юритилади. Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг сухбати орқали вилоятда кечаётган янгиликлар билан журналхонлар яқиндан танишишлари мумкин. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги бош директори Ф.Абдухолиқовнинг "Ўзбек киноси: кеча ва бугун" мақоласи миллий кино санъатимизнинг тарихи, бугунги фаолияти ва дунё миқёсидаги ўрни ҳақида. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзонинг "Сўздан нур ҳам, зулмат ҳам яратиш мумкин" сарлавҳали суҳбати ҳам журнал мундарижасини бойитган. Академик Наим Каримовнинг "Ҳамид Олимжон юлдузи" мақоласи атоқли шоир таваллудининг 110 йиллигига бағишланган.

М.Ҳазратқуловнинг "Машҳур ота-онага мансублик масъулияти", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Женисбек Пиязов билан М.Шамсиеванинг суҳбати мухлислар эътиборини тортади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, "Тадқиқот", "Буюк аждодларимиз", "Муҳокама, мулоҳаза, мунозара" каби рукнларда берилган мақолалар ҳам завқ билан ўқилади.

Турсун Алининг туркум шеърлари, Қ.Норқобилнинг "Умр шомидаги нур" ҳикояси, Д.Раҳматуллаевнинг "Қайноқ туйғуларнинг тафтли нафаси" эссеси, Отаулининг "Эпақалик" бадиаси, "Гулқайчи", "Ўзбекистон музейлари", "Дунё музейлари" рукнларида берилган қизиқарли материаллар ҳам журналнинг ушбу сонида эълон қилинган.

Рухсора АНОРБОЕВА

ЯНГИ РУКН: "ШЧ" БИСОТИДАН

"Шум боланинг чойхонаси" содиқ мухлислари газетамизнинг ўтган ўн йилликларда "Чойхона" ниҳоятда гавжум бўлганини, "қаҳ-қаҳа"-нинг кети узилмаганини кечагидек эслайдилар. Чиндан ҳам, беозор кулгига, холис ҳажвга эҳтиёж ҳеч қачон сусаймайди. Газетанинг турли-туман рукнлардаги катта-кичик ҳажвиялари, илмоқли гаплари, юмористик шеърлари, пародиялари, теша тегмаган "икир-фикр"лари, карикатуралари — барча-барчаси "Чойхона"нинг бисоти-бойликларини кўз-кўз қилиб турибди. Энг муҳими, улар эскирмаган, долзарблигини йўқотмаган, шу боисдан ҳам "ЎзАС"нинг бугунги ўқувчиларига ҳам шодон кайфият улашади, ўй-мушоҳадага туртки беради.

Мана шу жиҳатларни инобатга олиб, янги — "ШЧ" бисотидан" рукнини очдик. Бунда "Чойхона бисоти"ни титкилаб, қўлга илинган энг сара ҳажвий материалларни танлаб, бугунги ўқувчиларга тақдим этиб борамиз. Атоқли адибимиз Неъмат Аминовнинг суҳбату эртак-латифаси янги рукндаги чиқишларни бошлаб беради.

Неъмат АМИНОВ:

ОДАМНИ КУЛДИРИШ – ЭЗГУЛИК

— Биринчи Май байрами минбаридан айтадиган дастлабки шиорингиз!

— Яшасин яшиллик!

— Ёзувчи деганда кимни тушунасиз! Агар ёзувчи фақат ёзса, унинг ўқиши шартми!

— Ёзувчи деганда, аввало, "ёзғувчи"ни тушунмайман. Ҳар қандай саводхон одамдек ёзувчининг ҳам китоб ўқиши шарт. Бу — фақат китоб ўқиб, китоб ёз деган сўз эмас. Менимча, китобдан китоб туғдирадиган ижодкорнинг номи ёзувчи эмас — "доя" бўлади.

— Сиз кўпроқ сатира ёзасизми ёки юмор!

— Одатда сатирикларнинг кулгиси — кипригида, жаҳли тилининг учида бўлади. Шунинг учун камина ҳам ҳоли бақудрат хафа бўлганда — сатира, хурсанд бўлганда — юмор ёзаман. Ҳаётда аксар емаган сомсага сочимдаги оқлар билан ҳақ тўлаб, тўғри сўзларим учун гоҳида дакки еганим сабаб, кўпроқ сатира ёзаман. Зотан, партиямизнинг қайта қуриш ва ошкоралик давридаги талаби ҳам шу.

— Сизни кўплар Насриддин Афандини кўрган дейишади. Уни қай ҳолларда кўргансиз!

— Ҳар бир қувноқ, беғараз одамни учратганда Насриддин Афандини кўргандек бўламан. Болалик хотирамдан мустаҳкам ўрин олган машхур қизикчи — Эргаш масхара, ҳозир 90 ёшга яқинлашиб қолган ҳамқишлоғим Юсуф бобо Ҳомидовлар хаёлимда Афандига ўхшаб кетардилар. Кейинчалик, академик шоир Ғафур Ғулом, атоқли ёзувчи Саид Аҳмад, машҳур актёр Сойиб Хўжаев, Фарғона Афандиси — Адҳам Ҳамдам ва яна ҳаётда учратганим ўнлаб қувноқ одамларда Насриддин Афанди хислатларини кўрганман.

— Охирги савол. Суҳбатдошингиз латифа айтмоқда. Лекин сизнинг кулгингиз келмаяпти, шунда ўзингизни қандай тутасиз?

— Одамни кулдириш — эзгулик. Суҳбатдошим шу мақсадда латифа айтаётган бўлса, кулгим келмаса-да, ана шу эзгулик ҳурмати ҳеч бўлмаганда тишимнинг оқини кўрсатиб қўйган бўлардим. Назаримда, бу мунофиқликка кирмайди. Чунки ўша суҳбатдошим битта латифа билан кулдира олмаса, эҳтимол янгиси билан кулдиришга эришар.

— Чойхонамиз муштарийларига байрам совғангиз!

— Яхши эсимга солдингиз. Ҳозир қачонлардир, кимдандир эшитганим бир латифани айтиб бермоқчиман.

ҚАНОТ

ЭРТАК-ЛАТИФА

Бир бор экан, бир йўқ экан, шу бизнинг атом асримизда Жанубий Америкада ғалати бир "Ҳайвонот боғи" бор экан. Унда турли хилдаги қуш ва жониворлар жуда кўп бўлиб, улар бир-бирлари билан жуда иноқ яшашаркан. Алқисса, бир куни шу "Ҳайвонот боғи" Аддис Абеба деган шаҳардан самолётда гастролдан қайтаётган экан. Балолар оёқ остида. Негадир самолётнинг вентиляцияси ишламай қолибди. Учувчи уни анча пастлатиб, секин уча бошлабди. Бўлмабди. Самолётнинг ичи димиқиб, нафаслар қайта бошлабди. Шунда люклар очилибди. Ичкарига тоза ҳаво уфуриб кирибди. Одамлар ва жониворлар эркин нафас олгандек бўлишибди. Лекин шунга қарамай Қарға люкдан учиб чиқиб, самолётнинг қанотига қўниб олибди.

— Ҳой, Қарға, — дебди яқиндаги Тулки, — у ерда нима қилиб ўтирибсан?

— Шундай, — дебди Қарға, — олифтагарчилик учун бир пас...

— Мен ҳам чиқсам бўладими?

— Ихтиёринг.

Тулки ҳам самолётнинг қанотига чиқиб ўтириб олибди. Яна бироз училгач, уларга Бўрининг кўзи тушибди.

— Бу нима қилик, Қарғавой, — деб сўрабди у одатдагидек лабларини ялаб.

— Ҳа, энди буям бир олифтагарчилик-да, — дебди Қарға кулиб.

— Унда бизам чиқа қолайлик! — дебди Бўри. Қарға "Ихтиёринг" дебди. Тулки: "Марҳамат, марҳамат, Бўривой ака!" — дея ҳиринглабди.

Бўри ҳам чиқиб уларнинг ёнига ўтириб олибди. Анча узоқ учишибди. Бир пайт уларга Айиқ полвоннинг кўзи тушибди.

— Э-ҳа, у ерда нима қилиб ўтирибсанлар? — деб сўрабди у йўғон овозда.

— Шундай, очиқ ҳавода бир пас олифтагарчилик қилиб...

Хуллас, Айиқ полвон ҳам лапанглаб юриб, самолётнинг қанотига чиқиб ўтирмоқчи бўлибди. Шу аснода унинг оғирлигидан самолётнинг қаноти узилиб кетиб, ҳаммалари даҳшат билан пастга қулаб туша бошлабдилар.

— Вой...буй...вей! — дейишибди Тулки, Бўри ва Айиқ.

— Қанотларингни ёзинглар, қанотларингни! — дея қағиллабди Қарға қанот қоқиб.

— Ахир қанотимиз йўқ-ку! — дейишибди бараварига Тулки, Бўри ва Айиқ.

— Қанотларинг бўлмаса, унда сизларга олифтагарчиликни ким қўйибди? — дея "қағ-қағ" кулибди Қарға.

Эртакка айланган латифа тугади. Энди даврада ўтирган турли касб эгалари ўзларича хулоса чиқара бошладилар.

Ёзувчи: — Қанот дегани — бу талант. Таланти бўлмаган ёзувчи ёки санъаткор олифтагарчилик қилиб ҳар қанча уринмасин — бир пул. Обрў ололмайди...

Мансабпараст: — Қанот — бу тиркович, яъни поддержка. Ўсаман деган одам ҳимояси, яъни поддержкаси бўлмаса кўпам олифтагарчилик қилмаслиги керак...

Порахўр: — Қанот — бу пул, мол-дунё. Бошингга оғир кун тушганда, мен сенга айтсам, пул ярайди. Пулинг бўлмаса, олифтагарчиликка бало борми...

Мен, яъни эртакчи: — Менимча, қанот — бу қанот. Уни ҳар қанақасига тушунса ҳам бўлаверади. Бироқ ҳаётда табиат ато этган оёқларга ишониб, қанотсиз ҳам олифтагарчилик қилмасдан камтарона яшаса бўлади-ку...

"ЎзАС", 1987 йил

ФОЗИЛЛАР ЙЎЛИ

(Қадимги ҳинд ҳикматлари)

Ақлдан жудо бўлган қанча ўқимасин, бефойда – илмнинг моҳиятини тушунмайди. Ахир қошиқ бўтқанинг таъмини билармиди?

* * *

Худо кимни ҳалок қилмоқчи бўлса, унинг ақлини олади, бундай кимсага ҳамма нарсанинг оёғи осмондан бўлиб кўринади.

* * *

Сотқинлик билан дўстликка эришиш мумкинми; ҳикматга – алдов, хотиржамликка – ҳақорат-дашном, билимга – танбаллик, аёл зотига қўполлик билан етишиш мумкинми? Бунга фақат нодонгина қодирдир.

* * *

Ақлли ва ҳалол одамга интил, ақлли билан маккорга ҳушёр бўлиб муомала қил, виждонли ва гўлни аягил, ёлғончи ва нодондан коч.

* * *

Бировнинг бурчини яхши ўтагандан кўра, ўз бурчингни ёмон ўта. Ўз феъл-атвори йўриғидан чиқмаган гуноҳ қилмайди.

* * *

Ер юзида хилма-хиллик ҳукм суради: биров дунёдан этак силккан, бошка биров учун турмуш қоидаларига риоя қилиш маъкул, учинчи бир одам эса севги нашъаси билан маст.

* * *

Ўз танангни ўзга жонларга азоб бериш ҳисобига ардоқлашдан қандай наф бор? Ахир охир-оқибат — қуртларга емиш бўлиш, хокка айланиш, чириб битиш-ку!

* * *

Нодон кимсагина жамики қабоҳатнинг, арзимас ва ўткинчи нарсаларнинг омбори бўлмиш вужудни деб гуноҳ ишларга жазм қилади.

* * *

Бизнинг барча ишларимиз, фикрларимиз ва айтган сўзларимиз ортимиздан эргашиб юради — умрингизни яхшиликка бағишланг!

* * *

Вужудинг фоний, бойликлар — ўткинчи, ўлим барҳақ — яхши ишларни кўпайтираверсанг-чи!

* * *

Сен «Бир ўзимман», деб ўйлайсан, бироқ қалбингдаги донишманд ўзинг қилаётган яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кузатиб турганини билмайсан.

* * *

Муносиб одамга кўрсатилган хайр-саховат қанчалик арзимас бўлмасин, барибир, юзлаб ниҳоллар ўстиради.

* * *

Ҳаётинг, мол-мулкинг, тафаккуринг ва сўзинг билан яқинларингга тинимсиз яхшилик қил — умрнинг маъноси шунда.

* * *

Ғазабни — мулойимлик, ёмонликни — яхшилик, очкўзликни — сахийлик, ёлғонни — ҳақиқат билан мағлуб эт.

* * *

Яхши сўз билан қилинган тортиқ, манманликдан холи олимлик, ҳалимлик билан уйғун мардлик, саховат билан эш бўлган бойлик — тўрт нодир неъмат шудир.

* * *

Сабрга тенг фидойилик йўқ, мамнунликка тенг бахт йўқ, дўстликнинг ўрнини босадиган туҳфа йўқ, ҳамдардликка тенг ҳиммат йўқ.

Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси.

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

Таъмагирларга

Ўзинг келдинг, ўзинг кетдинг,
Этагимни ўзинг тутдинг.
Мақсадинг не, билолмадим,
Атрофимдан роса ўтдинг.

Таъмаларинг жонга тегди,
Оч лайчадек ликиллайсан.
Нон бермасам, на ортимдан,
Пойдан олиб, шинғиллайсан.

Сендайлардан олам безор,
Етсанг ямламай ютарсан.
Ўтиб қолсанг гар мозордан,
Маййитдан кафан кутарсан.

Отанг шайтон, онанг шайтон,
Тарикча ҳам йўқ имонинг.
Топиб қўйган "Таъмагир"деб
Халқим сенинг асли номинг.

Мансаб деса, товон ялаб,
Бўсағада тонг кутарсан.
Зарпечаксан, сассиқ алаф,
Юлмаса, урчиб кетарсан.

Бундан ортиқ не ҳам дейман,
Отим менинг Дангал МАХСУМ.
Турқинг қурсин, жиним суймас,
Оғзичангга сассиқ махсим.

Вот, масала...

Лаганбардор, лаганбардор,
Лаганингни айлантир.
Тўранг келди, лаганчангни
У ён, бу ён тайлаб тур.

Дилинг хуфтон, хушомадда
Бирор кунинг ўтмаса.
Мушук каби мулойимсан,
Биров думинг тутмаса.

Тулки каби ликиллайсан,
Унда, бунда пайдосан.
Каттанг кўзи тушиб қолса,
Нигоҳига шайдосан.

Емишинг ҳам саркит-паркит,
Ўшалардан қолгани.

Одам ҳазар қилар билсанг,
Қўлига ҳам олгани.

Кўрган кунинг шудир сенинг,
Не киламиз бу – тақдир.
Лек касалинг юқумли-да,
Вот, масала қайдадир?!

Хўрозмассан...

Онанг сени отангдан пора олиб туққандир,
Нима бўлса бариси йўргагингда теккандир.

Пора бериб ўқидинг, пора олиб яшадинг,
Қавмларинг қаторида нима берса ошадинг.

Пора олган порахўр, пора бериб қутилар,
Аммо, лекин барибир кун келганда тутилар.

Халқнинг ҳаки — Ҳақ ҳаки, тешиб чиқар оқибат,
Нафсининг қули бўлган, нафсидан топар фақат.

Энди эса ҳолинг вой, тўрт деворга хўжасан,
Хўрозман, деб юрувдинг, чиқдинг иркит жўжасан.

Дангал Махсум айтади: бу йўлдан қайтмаса ким,
Пушаймонда ўтади, бир умр бошидир хам.

Кўринмас

Ҳасад ўти ёнганда қалбда Ватан кўринмас,
Ватандан ташқарида инсофу шаън кўринмас.

Иштонни кийиб бошга дейдиларки, кўйлак йўқ,
Кўйлаги топилганда пастда иштон кўринмас.

Бир дарахт экмай туриб, боғбонлик қилур даъво,
Ажаб қилманг ишига қалбда виждон кўринмас.

Тингласанг, ғавғоланиб, оламни сочар бошга,
Аридек дув таласа, бошқа ситам кўринмас.

Бундайлар ёлғиз қолса, уришгай ўзи билан,
Нарироқ юргин Дангал, ўлсанг кафан топилмас.

Дангал МАХСУМ

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

"ШАЙТОНГА ЎХША"

Отаси шайтонбаччанинг қулоғи тагига шарақлатиб туширди.

— Қўйсанг-чи, у нима қилди? — сўради она шайтон ҳайрон бўлиб.

— Кўрмайсанми, ўзини худди фариштадек тутяпти, ярамас. Ҳа, сал-пал шайтонга ўхша.

УРГАНГАН КЎНГИЛ

— Юртимизда бюрократлар камайиб кетяпти. Уларни "Қизил китоб"га киритсакмикин? — дейишди бошликка.

— Эртага келинглар, маслаҳатлашиб кўрамиз, — деди у.

ЎХШАТИБ... УЧРАТГАНЛАР

— Маошингнинг нақд учдан бирини нафақага тўлаётганинг учун қийналиб қоляпсизларми?

— Унчалик эмас, чунки иккинчи хотинимнинг биринчи эридан оладиган нафақаси мен тўлайдигандан кўпроқ.

АРИЗАДАН

"Моддий аҳволим ниҳоятда оғирлигини ҳисобга олиб, яқинда сотиб олган енгил машинамга гараж қуришга касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобидан ёрдам беришингизни сўрайман."

ҲАЖВЧИНИНГ ЖИДДИЙ ГАПИ

Бир кишидан "Иштаҳанг борми?" деб сўрашса, "Мен бечоранинг шундан бошқа нимам бор", деб жавоб берган экан. Ўз саломатлигимизни ўйлаб жисмимизни озиқлантирувчи айрим нарсалардан парҳез қилганимиз сингари, ахборот асрида янгиликларга "иштаҳамиз" карнай бўлса-да, руҳимизни озиқлантирувчи "маҳсулот"ларнинг ҳам баъзиларидан парҳез сақлаш лозим бўлиб қолди.

* * *

— Бир куни дафъатан бошим оғриб қолди. Ҳурсанд бўлиб кетдим, — деди бир танишим. — Анчадан бери фақат бошқалар берган топшириқларни бажариш билан овора бўлиб, бошим борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган экан.

* * *

Донишманддан сўрабдилар:

— Ақл устунми ёки пул?

— Ақл устун, чунки пул билан ақл топиб бўлмайди, ақл билан пул топиш мумкин.

Шунга ўхшаш маънавиятли инсон моддий бойликни яратиш йўлини топа олади, аммо моддий таъминланган маънавий қашшоқ кимсадан яхшилик кутиб бўлмайди.

* * *

Булбул тухумдан бола очса, фақат биттаси булбул, қолганлари карқуноқ чиқармиш. Қўйлайдиганларнинг ҳам, ёзадиганларнинг ҳам орасида саралари унчалик кўп эмаслигига ажабланишнинг ҳожати йўқ экан-да.

Ҳабиб СИДДИҚ

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Носир АТАБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Сайёра Тўйчиевага отаси **СУЯРҚУЛ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси "Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш" кафедраси профессори Сайёра Тўйчиевага отаси **СУЯРҚУЛ** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Чиноз тумани кенгашига тегишли, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси 50А-уй манзилида сақланаётган "Газ31105-120" русумли, давлат раками 10 058 DBA бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси 10 898 100 сўм автотранспорт воситаси қўйилган.

Аукцион савдолари 2020 йил 27 декабрь соат 14:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 24 январь соат 17:00. Автотранспорт воситаси шу куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 3, 10 февраль кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2020 йил 3 февраль савдолар учун 31 январь соат 16:00; 2020 йил 10 февраль савдолар учун 7 фераль соат 16:00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "DAVR-BANK" Бош Амалиётлар Бошқармасидаги хисоб-ракамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИНН:200 933 850 тўлашлари шарт. Савдо ғолибига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.rmm.uz. Гувоҳнома: 001805.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 4922. Буюртма Г - 155.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вакти - 21:00.
Босишга топширилди - 22.00

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X